

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

**СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ**

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА
ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин:
Кувандик Кудратович **Мамарахимов**
Гульнора Мухтаровна **Мирзаалимова**
Гульчехра Базаровна **Наркулова**
Маъруфжон Маматожиёвич **Тажибоев**
Уткир Шомуродович **Холов**
2. Қахрамон Ирисалиевич **Исаров** берган аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.
3. Собиржон Абдуллаевич **Исмоилов** берган аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
4. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 1 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА
ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Дилмурад Ахмадуллаевич **Мирзакаримов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Мансур Рузибаевич **Хасанбаев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 1 декабрь.

8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кuni

84-модда. Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилинган, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган тахририда тегишнча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



30 ноябрь кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилди.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, ўтказилаётган ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалаларга фаолияти дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров бошқарди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган амнистия тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар ва унинг юзасидан

тегишли қарор қабул қилдилар. Бу ҳужжат инсонпарварликнинг ёрқин намунаси, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг яна бир далили эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шундан кейин Ўзбекистон



ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 4 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1133,36	1 Малайзия ринггити	382,42
1 Англия фунт стерлинги	2660,58	1 Польша злотийси	520,98
1 Дания кронаси	255,76	1 СДР	2049,98
1 БАА дирҳами	350,65	1 Туркия лираси	1072,10
1 АҚШ доллари	1286,30	1 Швейцария франки	1160,82
1 Миср фунти	233,17	1 ЕВРО	1906,04
1 Исландия кронаси	20,64	10 Жанубий Корея вони	13,85
1 Канада доллари	1299,42	10 Япония иенаси	117,88
1 Хитой юани	174,12	1 Россия рубли	52,89
		1 Украина гривнаси	254,71

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	6.12.2007	1	0,8465	1	1,2372	1	0,0345
Арманистон	5.12.2007	1	306,44	1	451,72	1	12,52
Беларусь	6.12.2007	1	2153,00	1	3168,03	1	88,15
Грузия	6.12.2007	1	1,613	1	2,374	1	0,066
Қозоғистон	6.12.2007	1	120,82	1	177,75	1	4,95
Латвия	6.12.2007	1	0,476	1	0,702804	1	0,0195
Литва	6.12.2007	1	2,3466	1	3,4528	10	9,6035
Молдова	5.12.2007	1	11,2686	1	16,6037	1	0,4614
Тожикистон	6.12.2007	1	3,4631	1	5,105	10	1,4179
Ўзбекистон	4.12.2007	1	1286,30	1	1906,04	1	52,89
Украина	6.12.2007	100	505,00	100	743,36	10	2,0677
Эстония	5.12.2007	1	10,6317	1	15,6466	1	0,435199

Манба: www.prime-tass.ru

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 14 ноябрдаги 908-аф-сонли буйруғига асосан «Kamol-Audit» хусусий аудиторлик фирмасига 2001 йил 24 сентябрда берилган 00208-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 14 ноябрдан тугатилди.

С.БЕКЕНОВ, молия вазири ўринбосари.

АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА

2007 йил 4 декабрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1296,00	1298,00	1907,00	1927,00
"Асака" банки	1296,00	1298,00	1906,00	1911,00
"Ўзсанотқурилишбанк"	1295,00	1298,00	1907,00	1917,00
"Пахтабанк"	1295,00	1297,00	1918,00	1922,00
"Халқ банк"и	1296,00	1298,00	1908,00	1920,00
"Ипотека-банк"	1295,00	1297,00	1907,00	1915,00
АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж.	1295,00	1298,00	1918,00	1924,00
"UzKDBбанк"	1295,00	1298,00	1906,00	1934,00
"Ғаллабанк"	1296,00	1298,00	1907,00	1916,00
"Трастбанк"	1296,00	1298,00	1907,00	1917,00
"Алп Жамол банк"	1295,00	1298,00	1918,00	1923,00
"Алокабанк"	1296,00	1298,00	1906,50	1935,00
"У-Т банк"	1295,00	1298,00	1907,00	1927,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1295,00	1298,00	1907,00	1930,00
"Ипак йўли" банки	1296,00	1298,00	1920,41	1923,38
"Микрокредитбанк"	1296,00	1298,00	1920,00	1923,00
"Туркистон" банк	1295,00	1297,00	1907,00	1919,00
"Даврбанк"	1295,00	1298,00	1906,00	1916,00
"Кредит-Стандарт" банки	1296,00	1298,00	1906,50	1934,00
"Калигал банк"	1296,00	1298,00	1906,10	1934,00
"Содерат банк"	1295,00	1298,00	1900,00	1990,00
"Хамкор банк"	1296,00	1298,00	1880,00	1940,00
"Универсалбанк"	1295,00	1298,00	1918,00	1923,00
"Парвинабанк"	1295,00	1298,00	1908,00	1911,00
"Равнақбанк"	1296,00	1298,00	1907,00	1927,00

«Банк ахборотномаси», 49 (604)-сон, 2007 йил 5 декабрь.



INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОВЛАР

тел./факс:
(99897) **119-0000**
155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЁН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети кўриб чиқилди. Муҳожама асносида Давлат бюджети иқтисодий ислохотлар устувор йўналишларини ҳисобга олиб тайёрланганлиги ҳамда макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни янада ривожлантиришга қаратилганлиги алоҳида урғу берилди.

Мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг харажатлар қисмида ижтимоий сиёсат соҳасидаги устувор вазибалардан бири сифатида бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш тамойилини сақлаб қолиш назарда тутилмоқда.

2008 йилги инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида кўриб чиқилган Давлат бюджетини назарда тутилган маблағларнинг асосий қисми умумтаълим мактабларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга доир давлат мақсадли дастурларини амалга оширишга йўналтирилади.

Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга мўлжалланган маблағлар анчагина кўпайтирилди, унумдорлиги юқори бўлмаган ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга доир мақсадли маблағлар ҳам назарда тутилмоқда. Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджетини маъ-

фойдасига талқин қилинишини назарда тутувчи солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланганлиги кўрсатиб ўтилди. Солиқ кодекси солиқ бошқаруви нормаларини қамраб олади, айрим солиқларни ҳисоблаб чиқариш қоидалари ҳамда тўлаш тартибини имкон қадар соддалаштиришни ва бирхиллаштиришни назарда тутди, тадбиркорлар ўз бизнесларини ўртача муддатда ривожлантиришни асосли тарзда прогноз қилишларига имкон беради. Сенаторлар ушбу Кодекс ўзида мавжуд солиқ нормаларининг бутун тизимини жамлаган дея таъкидладилар. Юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини маъқулладилар.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Давлат бюджетининг газна ижросини жорий этиш ҳисобига бюджет тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган «Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиб, маъқулладилар. Қонун бюджет маблағларининг ўз ўрнида ва самарали сарфланишини замонавий ахборот

технологияларидан фойдаланган ҳолда назорат қилишни кучайтиришга, ҳамма даражалардаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини бошқариш самардорлигини оширишга, шунингдек «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидаларини Давлат бюджетининг газна ижроси талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган.

Шундан кейин «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳожама қилинди ва маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори асосида ишлаб чиқилган ана шу ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, шунингдек «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг баъзи моддаларига аниқлаштирувчи ўзгартишлар киритилмоқда, жумладан юридик шахсни нафақат тугатиш комиссияси, балки жисмоний шахс (туғатувчи) томонидан ҳам тугатиш имконияти берилмоқда.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш асносида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири амалдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг самардорлигини оширишдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди. Мазкур Қонуннинг асосий мақсади аҳолининг ҳаётий таъминотини кучайтириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун янада қулайроқ иқтисодий шароитлар яратиш, шунингдек уй-жой-коммунал хизматлар нархи маъқул бўлишини кафолатлайдиган, монополияга қарши қаратилган чораларни аниқлаштиришдан иборат.

Чунинчи, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар рақобат муҳити шароитларида фаолият кўрсата оладиган ишлаб чиқаришларни табиий монополиялар соҳасидан ажратиб чиқариш ва кейинчалик уларни хусусийлаштириш вазибаларининг бажарилишини таъминлаш имко-



нини беради. Парламент юқори палатасининг аъзолари ушбу Қонунни маъқулладилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 сентябрда қабул қилинган «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тайёрланган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Мазкур Фармонда 2007 йилнинг 1 октябрдан эътиборан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам иш ҳақи миқдорининг етти қарасидан саккиз қарасигача ошириш назарда тутилган. Шу нарса ҳам таъкидлаб ўтилдики, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг баъзи моддаларига киритилаётган ўзгартишлар пенсионерларнинг моддий фаровонлигини янада оширишга, ижтимоий адолат принципларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Сенаторлар ушбу ҳуқуқий ҳужжатни маъқулладилар.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида сенаторлар ушбу ҳуқуқий ҳужжат «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини «Олтин акция» деб номланган янги 24-модда билан тўлдирётганлиги алоҳида эътибор қаратдилар. «Олтин акция» деганда айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокнинг махсус ҳуқуқи тушунилади. Бу ҳуқуқ стратегик аҳамиятга молик давлат корхоналарини хусусийлаштириш ёки акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетларини хусусий мулк этиб реализация қилишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига асосан жорий этилади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқуллади.

Сенаторлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бошқа бир қанча қонунларни ҳам кўриб чиқдилар.

2007 йил 1 декабрь кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Парламент юқори палатаси аъзолари ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Мазкур Қонуннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг барча асосий ва қўшимча кафолатларини жамлаган тарзда мужассам эстади ҳамда мустаҳкамлайди.

Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлик соҳасига доир қатор ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Парламент юқори палатасининг ўн иккинчи ялпи мажлисида ҳаммаси бўлиб 26 та масала кўриб чиқилди, улар юзасидан бўлган музокараларда 60 нафар сенатор сўзга чиқди. Сенаторларнинг ақсарияти фикрича, Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқуллаган қонунлар жамиятни демократлаштириш ва янгилашга қарата мамлакатимизда кенг қўламда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ишига хизмат қилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати материали асосида тайёрланди. ЎЗА фотосуратлари.



қулладилар.

Сўнгра парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартда қабул қилинган «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазибаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-24-сонли қарорига мувофиқ тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Қонунни муҳожама қилиш асносида ушбу ҳуқуқий ҳужжат солиқ сиёсатини шакллантиришнинг амалиётда синовдан ўтган принципларига, яъни солиқ солишнинг мажбурийлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошқоралиги ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг

да»ги ва «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидаларини Давлат бюджетининг газна ижроси талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган.

Сўнгра сенаторлар «Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳожама қилдилар. Қонунда жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июнда қабул қилинган «Ер қарши участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресур-

КОРПОРАТИВ МИЖОЗЛАРИ УЧУН ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ МАХСУС ШАРТЛАРИ



ISO 9001:2000

- Шартномада камида 5та телефонга эга бўлган истаган юридик шахс (хусусий тадбиркорлардан ташқари) «Perfectum Mobile» уяли тармоғининг корпоратив мижози бўлиши мумкин.
- Корпоратив мижозлар фақат куйидаги тариф режалардан фойдаланишлари мумкин:
«Базовый», «Статус», «Удачный», «Регион», «Профи», «Forward», «Перфектум», «Максимум».
- Корпоратив мижозларга ўз корпоратив гуруҳи ичида кириш ва чиқиш кўнғироқлари учун **ЧЕГАРАЛАНМАГАН БЕПУЛ ТРАФИК** тақдим этилади.
- Корпоратив мижозларга корхонанинг тузилма бўлинмалари асосида ташкил этилган (филиаллар, бўлинмалар) бир нечта корпоратив гуруҳларни, уларнинг Ўзбекистон бўйлаб жойлашувидан қатъий назар, **ЯГОНА КОРПОРАТИВ ГУРУҲГА** бирлаштириш имкониятини беради.
- Шартномага уланган ҳар 10та телефон учун корпоратив мижозга нархи \$ 100 бўлган имтиёзли рақам бепул берилади.
- Шартномага уланган ҳар 100та телефон учун корпоратив мижозга «VIP» категориясининг тариф режаси берилади - **МИЖОЗ ТЎЛОВИСИЗ**.
- Корпоратив мижозлар учун уларнинг корпоратив гуруҳдаги телефонлар сонига қараб **ҚУШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА ЧЕГИРМАЛАР** тақдим этилиши мумкин.



PerfectumMobile
CDMA Dreams Come True!

(8 598) 305-11-11 www.cdma.uz

Расмий ҳамкор:




Сугурта компанияси

Батафсил маълумотлар - компания офисларида. Хизматлар лицензияга эга.

ДИВИДЕНДЛАРДАН СОЛИҚ ТЎЛАШ ЖОЙИ ҲАҚИДА

? Корхонамиз Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида жойлашган. Корхонамиз муассислари Тошкент шаҳрида яшашди. Дивидендлардан солиқ тўлов манбаида ушланиши боис, биз дивидендлардан даромад солигини корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги, яъни Янгийўлдаги ДСИга ўтказдик. Бироқ Йўриқномада бу нарса тўғридан-тўғри кўрсатилмаган. Мен солиқни ўз солиқ инспекциямизга солиқчиларимизнинг оғзаки маслаҳати бўйича ўтказдим. Ҳаракатларимизнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилмоқчи эдим.

М.Саидахмедова.
Янгийўл шаҳри.



– Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 36-бандига кўра жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлов манбаида ушлаб қолишни:

ишлайдиган жисмоний шахсларга меҳнат шартномалари ёки фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартномалар бўйича тўловларни амалга оширадиган;

нодавлат пенсияларини тўлайдиган;

жисмоний шахсларга дивидендлар ва фойзалар тўлайдиган;

норезидент жисмоний шахсларга тўловларни амалга оширадиган юридик шахслар, фаолиятни доимий муассаса, шу жумладан хорижий фирмалар ваколатхоналари орқали амалга оширадиган норезидент юридик шахслар амалга оширишлари шарт.

Юқорида келтирилган Йўриқноманинг 38-банди мазкур юридик шахсларнинг қуйидаги мажбуриятларини белгилаб беради:

– иш ҳақини тўлаш чоғида жисмоний шахсга унинг талабига кўра унга даромади суммаси ва тури, ушлаб қолинган солиқ суммаси ҳақида (агар солиқ ушлаб қолинган бўлса), шунингдек шахсий жамғариб борилувчи пенсия ҳисобварағига ўтказилган (агар у ўтказилган бўлса) сумма тўғрисида маълумотномани бериш;

– жисмоний шахснинг рўйхат рақами ёки паспорт маълумотлари, фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, ҳисобот йилида қилган даромадининг умумий суммаси ва ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси кўрсатилган, асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотномани белгиланган шаклда молия йили тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш. Муассисларга дивидендлар тўла-

наётганда улардан ушлаб қолинган даромад солиғи тўлов манбаи – корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги ДСИга тўланади. Сизни ушбу даромадлар муассис томонидан қандай декларацияланиши масаласи қизиқтираётганлиги шубҳасиз. Бунинг учун Йўриқномада ДСИга йил якунлари бўйича жисмоний шахсларнинг даромадлари тўғрисида маълумотлар ва даромадлар расшифровкасини тақдим этиш тартиби белгиланган. Солиқ инспекцияси муассисингиз даромадлари тўғрисида маълумотномани олгач, унинг бир нусхасини муассиснинг яшаш жойидаги ДСИга юборади. Ушлаб қолинган солиқни ўтказишга келсак, сиз ўз ҳаракатларингизнинг тўғрилигига шубҳаланмасангиз бўлади.

ИМТИЁЗДАН ИМТИЁЗНИНГ ФАРҚИ БОР

? Мен фаолият юритаётган корхонанинг муассисларидан бири ҳисобланаман. Йил якунларига кўра муассисларга дивидендлар ҳисоблаб ёзилди. Янги барпо этилаётган корхонанинг устав фондида иштирок этишга таклиф келиб тушди. Газетангизда олинган дивидендлар корхонанинг устав капиталига йўналтирилган тақдирда даромад солиғи бўйича имтиёз берилиши тўғрисида мақола чиққан эди. Агар фаолият юритаётган корхонадан олинган дивидендлар янги барпо этилаётган корхонанинг устав фондига йўналтирилса, мазкур солиқ имтиёзи қўлланадими?

Р.Ҳидоят.
Чирчиқ шаҳри.

– Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 20-бандининг «с» кичик бандига кўра солиқ солинадиган даромадга фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкни сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтирилган суммалари, шунингдек ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фонди (капитали)ни кўпайтиришга йўналтириш олинган кўшимча акциялар қиймати ёки акциялар номинал қийматининг кўпайиши кўринишида олинган даромадлар, дивидендлар кўринишида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фонди (капитали)га йўналтирилган даромадлар киритилмайди.

Агар дивидендлар кўринишида олинган даромадлар дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига йўналтирилса, мазкур меъёр қўлланади. Сизнинг ҳолатингизда даромадлар – олинган дивидендларни янги барпо этилаётган юридик шахснинг устав фондида йўналтириш режалаштирилмоқда. Мазкур вазиятда юқорида келтирилган Йўриқноманинг 20-бандига кўрсатилган имтиёзни қўллаб бўлмайди.

АГАР ДАЪВО ҚИЛИШ МУДДАТИ ТУГАГАН БЎЛСА


? 2007 йилда муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзини ҳисобдан чиқариш суммаси 1,5 фойзлик ставка бўйича реализация ҳажмидан йўл жамғармасига ажратмалар қилиш объектига киритилдими? Корхона озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш фаолияти билан шуғулланади. Г.Содиқова, ишлаб чиқариш корхонаси бухгалтери. Самарқанд шаҳри.

– Президентнинг 2006 йил 25 октябрдаги «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» ПҚ-499-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисида низом (3-илова) тасдиқланди.

Унинг 7-бандига кўра Жамғарма даромадлари корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар томонидан маблағларнинг мажбурий ажратмалари ҳисобига шакллантирилади. Ишлаб чиқариш корхоналари учун ажратмаларга тортиш базаси бўлиб ҚҚС ва акциз солиғи чегирилган ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш ҳажми ҳисобланади. Бунда улар бўйича солиқ солинадиган айланмага асосий фаолиятдан олинган даромадлар (операцион даромадлар), молиявий фаолиятдан даромадлар ва фавқулодда даромадлар киритилмайди.

«Бошқа даромадлар» таърифини биз Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомдан (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган) топа оламиз.

Юқорида кўрсатилган Низом «В» бўлимининг 2.5-бандига кўра даъво қилиш муддати тугаган кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган бошқа даромадларга киритилади. Юқорида баён этилганлардан кўринадики, даъво қилиш муддати тугаган, ҳисобдан чиқарилган кредиторлик қарзи суммалари Республика йўл жамғармасига ажратмалар бўйича солиқ солинадиган айланмага киритилмайди.



Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ, эксперт,
Солиқ маслаҳатчилари палатасининг аъзоси.

СОЛИҚНИ ТЎЛАШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

? 2004 йилда мен аукцион орқали Чирчиқ шаҳрида 10 йилдан кўп вақт ишламаган чойхона биносини 0,11 гектар (яъни 11 сотих) ер участкаси билан биргаликда сотиб олдим. Уни ишга тушириш учун кўп маблағ сарфладим, бироқ мижозлар йўқлиги туфайли бунга муваффақ бўлмадим. Чойхона ҳозиргача ишламапти. Бу йил олдимга солиқ инспекцияси инспекторлари келишиб, юридик шахс сифатида тўрт йил (2004-2007 йиллар) учун ер солиғи тўлашни талаб қилишди.

Шу муносабат билан сўрамоқчиман: агар ер солиғини тўлашим керак бўлса, уни қандай ҳисоб-китоблар ва нархлар бўйича тўлайман?

Х.Юзбоев.
Чирчиқ шаҳри.

– Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2002 йил 27 мартда 1118-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 16-бандига кўра жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкалари учун солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.



Ушбу бандга мувофиқ жисмоний шахслар учун ер солиғини ҳисоблаб чиқариш дўконлар, ошхоналар, устахоналар ва тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган бошқа объектлар учун амалга оширилади.

Чойхонанинг ер участкаси сизга тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун берилганлигини ҳисобга олиб, юридик шахслар учун назарда тутилган солиқ ставкалари қўлланади.

Чирчиқ шаҳрида жойлашган юридик шахслар учун ер солиғи ставкалари қуйидагича:

Йил	Асос	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
2004	ВМнинг 25.12.2003 йилдаги 567-сон қарорига 16-илова	1 085 121 сўм	990 351 сўм	849 618 сўм	774 738 сўм
2005	ВМнинг 28.12.2004 йилдаги 610-сон қарорига 19-илова	1 410 657 сўм	1 287 456 сўм	1 104 503 сўм	1 007 159 сўм
2006	Президентнинг 27.12.2005 йилдаги ПҚ-244-сон қарорига 20-илова	2 215 986 сўм	1 931 184 сўм	1 656 755 сўм	1 510 739 сўм
2007	Президентнинг 18.12.2006 йилдаги ПҚ-532-сон қарорига 15-илова	3 173 979 сўм	2 896 776 сўм	2 485 133 сўм	2 266 109 сўм

Солиқ суммасини ҳисоблаб чиқариш учун сиз чойхонангиз қайси зонада жойлашганлигини билишингиз ва тегишли ставкани қўллашингиз лозим.

РЕКЛАМА

Ўйлаб кўринг – нима сабабдан ҳатто қонунларнинг компьютер базасига эга бухгалтерлар ҳам хато ўтказадилар?

Бухгалтерияни юритишнинг 2 хил усули бор

1. Қонунларни ўзи ўқишга ва уларни бехато шарҳлашга уриниш

2. **ОДИЙГИНА** тайёр вазиятларга ўз рақамларини қўйиш.

Икки бухгалтер айнан битта қонунни ўқиб, ҳар бири уни ўзича қўллайди.

«Бератор» – бу «папка регистр», 1100 саҳифа ва бутун фаолият бўйича 800 хил бухгалтерия ҳамда бошқарувга оид вазият (проводкалар, ҳисоблаб ёзишлар, мисоллар, қонунларга ҳаволалар). Қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритилганда биз папкадаги бир нечта саҳифани алмаштирамиз ва тизим эскирмайди. CD, ўзбек тилидаги версиялар ва «Раҳбар учун бератор».

Акция! 15.12.07 гача «Бухгалтерия» + «Солиқ солиш» + 12 ой янгилаш = атиги 117 минг сўм (ёки бўлиб-бўлиб тўлаш)

ЎЗР Аудиторлар палатаси томонидан қўллашга тавсия этилган.

«БТЛ» МЧЖ ва «Академпресса». Т.: 142-05-42, 142-14-10, Вилоятларда етказиб бериш. Сарлавҳа, фрагментлар ва шартномалар факс ва e-mail орқали. Андижон 3742(2) 262211, 54155, Қўқон 3735(5) 28374, Навоий 436(2) 235610, Фарғона 373(2) 236199, Самарқанд 366(2) 222402, 343250, Наманган 3692(2) 341327.

Эксперт юридик хизмати маслаҳат беради

УЧ МЧЖ УЧУН БИР МУТАХАССИС

? Бугунги кунда хўжалик фаолияти турли соҳаларининг кўплаб малакали мутахассислари икки, уч ва ундан ортиқ ташкилотларда ишлайдилар, яъни ўриндош ҳисобланадилар. Ўриндошликнинг ўзи нима ва ўриндошларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солиш қандай хусусиятларга эга?

– **Ўриндошлик** ходимнинг асосий ишдан бўш вақтида меҳнат шартномаси шартларида меҳнат қилиш фаолиятини тақозо қилади (СССР Меҳнат бўйича давлат кўмитаси, СССР Адлия вазирлиги ва ВЦСПС Котибиятининг 1989 йил 9 мартдаги 81/604-К-3/6-84-сон қарори билан тасдиқланган Ўриндошлик бўйича ишлаш шартлари тўғрисида низомнинг 1-банди)*. Ўриндошлик ташқи ва ички бўлиши мумкин.

Шахснинг бир корхонада бир вақтнинг ўзида икки лавозимни эгаллаши **ички ўриндошлик** ҳисобланади. Мазкур ҳолда ички ўриндошлик ва касбларни бирга олиб бориш тушунчаларини чегаралаш зарур. Улар қуйидагича фарқланади:

– ўриндошликда ходим қўшимча мажбуриятларни ҳар доим асосий иш бўйича иш вақтидан ташқари бажаради. Бирга олиб боришда қўшимча мажбуриятлар ва асосий иш бўйича мажбуриятлар бир вақтда бажарилади;

– киши турли корхоналарда ўриндошлик бўйича ишлаши, яъни икки (уч ва ундан кўп) иш берувчига эга бўлиши мумкин. Касбларни бирга олиб борадиган шахс ҳар доим биргина иш берувчига эга бўлади;

– қонунда ўриндошлик бўйича ишлаш муддати чегараланган.

Ходим икки корхонада ишлаб, уларнинг ҳар бирида биттадан лавозимни эгалласа, **у ташқи ўриндошлик** бўлади. Уч ва ундан кўп корхонада бир вақтда ишлаш қонун билан чегараланганлигини таъкидлаш керак. Ўриндошлик бўйича ишлаш шартлари тўғрисида низомнинг 11-бандига кўра у билан қуйидаги мутахассислар шуғулланишлари мумкин:

– мактаблар, ўрта махсус, хунар-техника ва бошқа ўқув юрларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, концертмейстерлари, аккомпаниаторлари ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича уларга тенглаштирилган ходимлар;

мактабгача, мактабдан ташқари ва бошқа болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасалари, маданият ва санъат муассасаларининг педагог ходимлари;

– тиббий ва фармацевтика ходимлари;

– ветеринар ходимлар;

– тўғарақлар (ҳаваскорлик ижодиёти жамоалари) тренер ва раҳбарлари, ушбу тўғарақлар (жамоалар) аккомпаниаторлари ва бошқа мутахассислари.


Бундан ташқари, қонун ёки иш берувчи томонидан ўриндош ҳисобланувчи субъектларнинг доираси чегараланиши ҳам мумкин.

Қонунга кўра прокуратура ходимлари асосий ишдан бўш вақтда фақат илмий, педагогик ва ижодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгалар (1992 йил 9 декабрдаги 746-ХII-сон «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун 43-моддасининг тўртинчи қисми). Бундай талаблар судьяларга ҳам татбиқ этилади (1993 йил 2 сентябрдаги 924-ХII-сон «Судлар тўғрисида»ги Қонун 66-моддасининг бешинчи қисми). Шу сабабли юқорида кўрсатилган субъектлар пулли юридик хизматлар кўрсатиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва давлат органларидаги ишни

бошқа муассасалар ва ташкилотлардаги иш билан бирга олиб бориш ҳуқуқига эга эмаслар.

Бундан ташқари, Ўриндошлик бўйича ишлаш шартлари тўғрисида низомнинг 10-бандига кўра, агар қонун ҳужжатларида бошқа нарса белгиланмаган бўлса, бир вақтнинг ўзида икки раҳбарлик лавозимини эгаллашга йўл қўйилмайди (Чунончи, ходимга бир вақтнинг ўзида икки корхонада уста лавозимини эгаллашга рухсат берилди (Ўриндошлик бўйича ишлаш шартлари тўғрисида низом 10-бандининг биринчи хатбошиси).

Иш берувчи меҳнат қилишнинг махсус шартлари ва режимига эга бўлган, қўшимча ишлашлари уларнинг соғлиғи ҳолати ёки ишлаб чиқаришнинг хавфсизлигига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган айрим касблар ва лавозимлардаги ходимлар учунгина ўриндошликка чеклашлар жорий эта олади. Бундай ходимларга 18 ёшга тўлмаган шахслар, ҳомиладор аёллар (Ўриндошлик бўйича ишлаш шартлари тўғрисида низом 2-бандининг учинчи хатбошиси), шунингдек асосий иш жойи



бўйича ноҳуш меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган шахслар қиради.

Диққат! Амалиётда кўпинча ўриндошлик бўйича ва фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича ишлаш тушунчалари чалкаштирилади. Бироқ булар бир нарса эмас. Аввало улардан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларни турли ҳуқуқ соҳалари тартибга солади. Чунончи, ўриндошликни меҳнат қонунчилиги, бошқа шартномалар бўйича ишлаши эса фуқаролик қонунчилиги тартибга солади. Бинобарин, у билан тузилган меҳнат шартномалари асосида икки ва ундан кўп корхонада ишлайдиган шахс ўриндош ҳисобланади. Агар киши бир фирмада меҳнат шартномаси бўйича ишласа, бошқа фирмада эса у билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилган бўлса, у меҳнат қонунчилиги нуқтаи назаридан ўриндош ҳисобланмайди.

Агар шахсга нисбатан юқорида кўрсатилган чеклашларнинг бирортаси мавжуд бўлмаса, иш берувчи у билан ўриндошлик шартларида меҳнат шартномаси тузиши мумкин.

Ходим ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганда иш берувчига Меҳнат кодекси (МК)нинг 80-моддасида кўрсатилган ҳуж-

жатларни, бундан меҳнат дафтарчаси муштасно, тақдим этиши шарт. Меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан маълумотнома тақдим этилади (МК 80-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси)**.

Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади, у меҳнат шартномасининг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилади (МКнинг 82-моддаси). Унда қуйидаги жиҳатлар акс эттирилиши керак:

– шахс ишни ўриндошлик шартларида бажаради;

– иш вақтининг муддати бир кунда 4 соатдан ёки дам олиш кунда тўлиқ иш кунидан ошмаслиги керак (Ўриндошлик бўйича ишлаш шартлари тўғрисида низом 4-бандининг биринчи хатбошиси);

– меҳнат шартномаси тузиладиган муддат (муддатли ёки номуайян муддатта);

– меҳнатга ҳақ тўлаш бажарилган ҳажмга мувофиқ амалга оширилади (МКнинг 160-моддаси). Бунда корхонанинг локал ҳужжатларида ўриндошларга мукофотлар, ишга бориш ва овқатланиш учун компенсациялар тўлаш ҳамда бошқа харажатлар назарда тутилиши мумкинлигини эътиборда тутиш зарур.

Ўриндош билан меҳнат шартномасини тузаётганда иш берувчи шуни билиши лозимки, МК 143-моддасининг учинчи қисмига кўра йиллик меҳнат таътили унга асосий иш жойи бўйича таътил билан бир вақтда, ўриндош 6 ой ишлаганлиги ёки ишламаганлигидан қатъи назар, берилди.

Ўриндош билан меҳнат шартномаси МКнинг 97-моддасида назарда тутилган умумий асосларда бекор қилиниши мумкин. Бундан ташқари, МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандига кўра у иш берувчининг ташаббуси бўйича, ўриндош ҳисобланмаган бошқа ходимни ишга қабул қилиш муносабати билан, шунингдек меҳнат шартлари бўйича ўриндошлик иши чекланиши сабабли бекор қилиниши мумкин. Бунда шунга эътиборни қаратиш лозимки, мазкур ҳолда иш берувчи ўриндошни у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида олдиндан огоҳлантириши, шунингдек унинг ўрнига компенсация тўлаши керак эмас. Бироқ агар ўриндош билан муддатли меҳнат шартномаси у тузилган муддат тугашигача бекор қилинса, иш берувчи ходимга шартномада қайд этилган миқдорда неустойка тўлаши керак. Агар ушбу шарт шартномада назарда тутилмаган бўлса, МК 104-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ иш берувчи неустойка тўлашдан озод қилинади.

Ўриндош билан меҳнатга оид муносабатларни тугатаркан, иш берувчи шуни назарда тутиши лозимки, ходимнинг хоҳишига кўра ўриндошлик бўйича ишлаш даври тўғрисида ёзув меҳнат дафтарчасига ходимнинг аризаси ва иш берувчининг ўриндошлик бўйича ишга қабул қилиш ҳамда уни бекор қилиш тўғрисида буйруқлари асосида киритилиши мумкин (Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлигининг АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома 2.12-бандининг тўққизинчи хатбошиси). Мазкур ёзув иш берувчи томонидан асосий иш жойи бўйича киритилиши керак.

Ада ЦОЙ,
«НОРМА МАСЛАХАТЧИ»
газетасининг
эксперт-юристи.

Хориж қонунчилиги

МЕҲНАТ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ

Россия ҳукумати Рострудга меҳнат қонунчилиги соҳасида иш берувчилар содир этган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақида баённомаларни тузишга расман ваколат берди. Идора шунингдек жамоа меҳнат низоларининг алоҳида тоифаларини рўйхатдан ўтказиши, меҳнат арбитрларини ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базасини юритиши, аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат хизматлари истеъмолчилари регистрини шакллантириши ва олиб бориши, шунингдек меҳнат шарт-шароитларининг давлат экспертизасини ҳам олиб бориши шарт. Шу билан бирга Роструд ваколатлари рўйхатидан фуқароларга иш топишда кўмаклашиш, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари олиб боришни ташкиллаштириш, меҳнат бозорида ишсиз фуқароларнинг ўз ўрнини топиши ва бошқалар бўйича хизматлар кўрсатиш чиқариб ташланди.



ХУФИЯ ИШ ҲАҚИ ТўЛАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАСИ

Россия Давлат думасига иш ҳақини «конвертда» тўлаганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутадиган тузатишлар лойиҳаси киритилди. Қонун лойиҳаси қабул қилинган тақдирда, ноқонуний тўловларни амалга оширадиган раҳбар учун олти йилгача озодликдан маҳрум бўлиш хавфи туғилади. Қонун ижодкорларининг фикрича, жавобгарликка тортишнинг мазкур чораси «хуфия» иш ҳақи тўлашни оғир жиноятларга тенглаштириш имконини беради.

МЕҲНАТ КОДЕКСИГА ТУЗАТИШЛАР

Белоруссияда Меҳнат кодексига тузатишлар маъқулланди.

Хусусан, улар асосий меҳнат таътили муддатини 21 тақвим кунидан 24 кунгача қўзишни назарда тутди. Уч ёшга тўлмаган болани парвариш қилиш таътилининг онанинг ўрнига отага бериш эҳтимоли ҳақидаги меъёр киритилмоқда. Уч ёки ундан кўп боласи ёхуд ногирон фарзанди бўлган оилаларда отага ҳафтада бир кун ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда ишдан озод бўлиш ҳуқуқи берилмоқда.

Бир ташкилотдаги давомий иш стажига ҳамда меъёрлаштирилмаган иш кунини учун қўшимча таътиллари кўпайтирилган. Шу билан бирга ижодий таътил бекор этилди, ўқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий таътилларнинг муддати қисқартирилди.

ИШЛАМАЙСИЗМИ? – ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИНГ

Россия Давлат думасига аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида лойиҳа юборилди. Тузатишлар ишсизлик нафақасига яшайдиган фуқароларнинг жамоат ишларини бажаришини назарда тутди. Бундай фаолиятдан бўйин товловчилар нафақаси уч ойгача муддатга икки баравар қисқартирилади ёки саккиз ойлик ишсизлик даври туганидан сўнг уни тўлаш уч ой муддатга умуман тўхтатилади.

АҚШ МУҲОЖИРЛАРНИ СОЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛДИ

Америка молия вазирлиги ва солиқлар бошқармаси АҚШдан ташқарида ишлаётган ва нарх-наво юқори мамлакатларда яшаётган америкаликларга яшаш учун харажатларини қисқартириш ёки кўп қисмидан кутулиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат чиқарди. Тегишли ҳужжат билан бериладиган имтиёз яшаш жойига боғлиқ.

Одатда америкалик фуқаролар ва резидентлар АҚШда умумжаҳон даромадидан солиқ тўлайдилар. Бироқ Солиққа тортиш тўғрисидаги қонунлар кодексининг 911-бўлими хорижда яшайдиган ва ишлайдиган америкаликларга АҚШда даромад солиғи ва яшаш харажатларини тўламасликка рухсат беради.

Хорижий матбуот саҳифаларидан.

* Бугунги кунда мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Меҳнат кодексига зид келмайдиган қисмида қўланади.

** Меҳнат дафтарчаси асосий иш жойида сақланади (Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлигининг АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 1.6-банди).

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ХУЖЖАТЛАР:**

- ЎзР МБ Бошқарувининг «Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР ТИАИСВ, ДБК, ДСҚнинг «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган хужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тийёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ, МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАР ТОМОНИДАН КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
24 сентябрда 1719-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 39-сон, 405-модда)

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 17 ва 51-моддалари, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга

ошириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 21 июль
20/3-сон.

***2007 йил 4 октябрдан кучга киради.**

Марказий банк Бошқарувининг
2007 йил 21 июлдаги 20/3-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ, МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАР ТОМОНИДАН КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида»ги 402-сон қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 17-18-сон, 149-модда) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар (кейинги ўринларда — нобанк кредит ташкилотлари) томонидан касса операцияларини амалга ошириш, нақд пулларни ва бойликларни сақлаш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Барча нобанк кредит ташкилотлари ўз пул маблағларини банкларда сақлашлари шарт.

2. Нобанк кредит ташкилотлари ва юридик шахслар ўртасида ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда банклар орқали амалга оширилади.

3. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан банклардан олинган нақд пуллар улар қандай мақсадлар учун олинган бўлса, фақат ўша мақсад учунгина сарфланади.

Нобанк кредит ташкилотлари ўз кассасида нақд пулларни кассадаги нақд пул қолдигининг белгиланган лимити доирасида сақлашлари мумкин. Кассалардаги нақд пуллар қолдиги лимитлари уларнинг талаб қилиб олинган асосий депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар томонидан ушбу нобанк кредит ташкилотлари раҳбарлари билан ҳар йили келишилган тартибда белгиланади. Зарур бўлган ҳолларда кўрсатилган лимитлар қайта кўриб чиқиши мумкин.

4. Нобанк кредит ташкилотлари кассадаги нақд пуллар қолдигининг лимитини аниқлаш мақсадида унга хизмат кўрсатувчи банкка 1-иловага мувофиқ кассасидаги нақд пул қолдиги лимитларини белгилаш учун ҳисоб-китоб тақ-

НОУТБУКИ, КОМПЬЮТЕРЫ
ОРГТЕХНИКА



171-00-57, 142-65-50

www.texnika.uz

info@texnika.uz

дим этади.

Кассадаги лимит қолдиғи ҳисоб-китобини ўрнатилган тартибда тақдим этмаган нобанк кредит ташкилотларининг касса қолдиғи лимити нолга тенг, банкка топширилмаган кассадаги нақд пул маблағлари эса лимитдан ортиқ деб ҳисобланади.

Нобанк кредит ташкилотларининг кассасидаги нақд пуллар қолдиғининг лимити хизмат кўрсатувчи банк томонидан унинг кейинги кун давомидаги нормал иш фаолиятини ташкил этиш учун етарли миқдорда ўрнатилади.

5. Кассасидаги нақд пуллар нобанк кредит ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиявий ва бошқа хизматларни кўрсатиш учун ишлатилади.

6. Нобанк кредит ташкилотлари кассадаги нақд пул қолдиғининг белгиланган лимитидан ортиқча бўлган қисмини банк билан келишилган тартибда ва муддатларда ўз банк ҳисобварақларига киритиш учун банкка топширишлари шарт.

Нақд пуллар банкларнинг кундузги ва кечки кассаларига инкассаторлар орқали топширилиши лозим.

7. Нобанк кредит ташкилотлари ўз кассаларида белгиланган лимитлардан ортиқча нақд пулни фақат иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тўлаш учун, банкдан олинган кунни қўшиб ҳисоблаган ҳолда 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида сақлаш ҳуқуқига эгалар.

8. Хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар учун, шунингдек бошқа майда хўжалик харажатларига нақд пул бериш хизмат сафарларига юборилаётган шахсларга қонун ҳужжатларига мувофиқ шу мақсадлар учун берилиши лозим бўлган миқдорда, кейин ҳисобот бериш шарти билан амалга оширилади.

Кейин ҳисобот бериш шарти билан берилган нақд пулларнинг сарфланмаган қисми уларга берилган муддат тугагандан кейин 3 кундан кечиктирилмасдан нобанк кредит ташкилотлари кассасига қайтарилиши шарт.

Ҳисобот бериш шарти билан нақд пулни олган шахслар нобанк кредит ташкилотларининг бухгалтериясига сарфланган сумма тўғрисида ҳисобот беришлари зарур. Ушбу шахслар кейин ҳисобот бериш шарти билан бериладиган нақд пул фақат олдинги ҳисобот бериш шарти билан берилган суммалар бўйича мазкур шахслар томонидан тўлиқ ҳисобот берилганидан кейин амалга оширилади.

9. Нақд пулни қабул қилиш ва топшириш бўйича касса операциялари қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган бирламчи ҳисоб ҳужжат шакллари билан расмийлаштирилади.

II. НАҚД ПУЛЛАРНИ КАБУЛ ҚИЛИШ ВА БЕРИШ ҲАМДА КАССА ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

10. Нақд пулларни қабул қилиш пайтида нобанк кредит ташкилотларининг кассири сўмнинг тўловга яроқлилиқ белгиларини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари»нинг (1998 йил 18 декабрь, рўйхат рақами 565) 1-иловасига амал қилиши шарт.

Нобанк кредит ташкилоти кассаси нақд пулларни нақд пулни кирим қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган, яъни ушбу нобанк кредит ташкилоти раҳбари, бош бухгалтери (агар бухгалтер мавжуд бўлса) томонидан рухсат имзоси қўйилган ҳужжатлар илова қилинган кирим касса ордерлари бўйича қабул қилади.

Нақд пуллар қабул қилинганда нобанк кредит ташкилоти раҳбари, бош бухгалтери (агар бухгалтер мавжуд бўлса) томонидан имзоланган, кассир муҳри (штампи) қўйилган ёки касса аппаратининг изи (оттиски) туширилган квитанция берилади.

11. Нобанк кредит ташкилотларининг кассасидан нақд пулларни бошқа хўжалик юритувчи субъектлар эҳтиёжлари учун берилишига йўл қўйилмайди.

12. Нобанк кредит ташкилотларининг кассасидан нақд пулларни бир марталик берилиши чиқим касса ордерлари орқали амалга оширилади. Ушбу чиқим касса ордерлари нобанк кредит ташкилотининг раҳбари ва бош бухгалтери (агар бухгалтер мавжуд бўлса) томонидан имзоланиши шарт.

13. Чиқим касса ордери бўйича пул бериш пайтида кассир пул олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни* кўрсатишни талаб қилади, ҳужжатнинг номи ва рақамини, ким томонидан ва қачон берилганлигини ёзиб қўяди ва пул олувчидан имзосини қўйдиради.

Нобанк кредит ташкилотларида унинг ходимларига пул берилиши мазкур нобанк кредит ташкилоти томонидан берилган гувоҳнома бўйича, унда эгасининг сурати мавжуд бўлган ҳолда, амалга оширилиши мумкин.

Пул олинганлиги тўғрисидаги тилхат фақат олувчи дастхати билан бинафша, кўк ёки қора сиёҳли шарикли ручкада олинган сумма: _____ сўм (сўзлар билан), _____ тийин (рақамлар билан) кўрсатилган ҳолдагина ёзилиши мумкин.

14. Кассир пулларни фақат чиқим касса ордерида ёки ишончномада кўрсатилган шахсга беради. Агар пуллар белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўйича берилса, ордер матнида пул олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исмидан кейин бухгалтерия томонидан пул олишига ишончнома берилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади. Агар пул қайднома бўйича берилса, пул олинганлиги ҳақидаги имзодан олдин кассир «Ишончнома бўйича» деб ёзиб қўяди.

Ишончнома бўйича нақд пулларни фақат иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия ва нафақалар тўлови, шунингдек жисмоний шахсларга депозитларини беришга рухсат этилади.

15. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар кассир томонидан тўлов қайдномалари бўйича ҳар бир пул олувчига чиқим касса ордери тузилмасдан амалга оширилади.

Тўлов қайдномасининг сарварағи (титул варағи)да пул беришга рухсат этилганлиги тўғрисида, пул бериш муддатлари ва суммаси ёзув билан кўрсатилган ҳамда нобанк кредит ташкилоти раҳбари ва бош бухгалтерининг (агар бухгалтер мавжуд бўлса) имзолари қўйилган ҳолда, рухсат ёзуви амалга оширилади.

16. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун 8-бандида белгиланган муддат тугагандан кейин кассир қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

тўлов қайдномасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш амалга оширилмаган шахсларнинг фамилияси қаршисига «Депонентланди» деган штамп қўйиши ёки қўлда ёзиб қўйиши;

депонентланган суммалар реестрини тузиши;

қайднома охирида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалда тўланган суммаси ҳамда уларнинг олинмаган суммаси, депонентга ўтказилиши лозим бўлган суммани ёзиб қўйиши, ушбу суммаларни тўлов қайдномаси бўйича жами сумма билан солиштириши ва ёзувни ўз имзоси билан тасдиқлаши;

касса дафтарида амалда тўланган суммани ёзиши ва қайдномага «...-сонли чиқим касса ордери» штампини қўйиши шарт.

Бухгалтерия тўлов қайдномаларида кассир томонидан қайд қилинган ёзувларни текширади ва улар бўйича берилган ҳамда депонентга ўтказилган суммаларни жамлаб чиқади.

Депонентга ўтказилган суммалар банкка топширилади ва топширилган суммаларга битта умумий чиқим касса ордери тузилади.

17. Кирим касса ордерлари ва уларнинг квитанциялари, шунингдек чиқим касса ордерлари бухгалтерия томонидан бинафша, кўк ёки қора шарикли ручка билан ёки ёзув машинасида (компьютерда) аниқ ва равшан ёзилиб тўлдирилиши шарт. Ушбу ҳужжатларда устидан ўчириб ёзишга, тузатишлар киритишга, изоҳ берилган ҳолда ҳам, йўл

* Шахсни тасдиқлайдиган ҳужжатларга қуйидагилар киради — паспорт, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари (вид на жительство), ҳарбий билет ёки ҳарбий қисмлар ёхуд ҳарбий муассасалар томонидан бериладиган шахсини тасдиқловчи ҳужжат.

қўйилмайди.

Кириш ва чиқим касса ордерларида уларни тузиш учун асос кўрсатилади ва уларга илова қилинган ҳужжатлар санаб ўтилади.

Кириш ва чиқим касса ордерларини пул топшираётган ёки олаётган шахслар қўлига бериш тақиқланади.

Пулларни касса ордерлари бўйича қабул қилиш ва топшириш фақат улар тузилган куни амалга оширилиши мумкин.

18. Кириш ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатларни олиш вақтида кассир қўйидагиларни текшириши шарт:

ҳужжатларда бош бухгалтер имзоси мавжудлиги ва унинг ҳақиқийлигини, чиқим касса ордерида нобанк кредит ташкилоти раҳбарининг рухсат берганлиги тўғрисида имзоси мавжудлигини;

ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини;

ҳужжатларда санаб ўтилган иловаларнинг мавжудлигини.

Ушбу талабларнинг бирортасига риоя қилинмаган тақдирда кассир ҳужжатларни тегишли равишда расмийлаштириш учун бухгалтерияга қайтаради.

Кириш ва чиқим касса ордерлари, улар асосида пул олингани ёки берилганидан кейин, дарҳол кассир томонидан имзоланади, уларга илова қилинган ҳужжатлар устига санаси (кун, ой, йил) кўрсатилган ҳолда, «Тўланди» деган штамп босилади ёки шундай ёзув қайд этилади.

19. Кириш ва чиқим касса ордерлари кассага топширилгунга қадар бухгалтерия томонидан кириш ва чиқим касса ордерларини қайд этиш журналида рўйхатга олинади. Иш ҳақини тўловига доир тўлов қайдномаларига расмийлаштирилган чиқим касса ордерлари у берилгандан кейин рўйхатга олинади.

III. КАССА ДАФТАРИНИ ЮРИТИШ ВА ПУЛЛАРНИ САҚЛАШ ТАРТИБИ

20. Нобанк кредит ташкилотларининг барча тушумлари ва нақд пуллар берилиши касса дафтаридида ҳисобга олинади.

21. Касса дафтарининг варақлари рақамланган, тикилган бўлиши лозим. Касса дафтаридидаги варақлар сони нобанк кредит ташкилоти раҳбари ва бош бухгалтернинг (агар бухгалтер мавжуд бўлса) имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтаридида ўчириб-ёзиш ва изоҳсиз тузатишлар қилиш ман этилади. Қилинган тузатишлар кассир, шунингдек нобанк кредит ташкилоти раҳбари ва бош бухгалтери (агар бухгалтер мавжуд бўлса) имзолари билан тасдиқланади.

22. Ҳар бир ордер ёки унинг ўрнига ўтадиган бошқа ҳужжат бўйича пул берилганидан ёки пул олингандан кейин кассир томонидан дарҳол касса дафтарига ёзиб қўйилади. Ҳар куни, иш куни охирида кассир кун давомидаги операциялар якунини ҳисоблайди, кейинги кунга кассадаги пуллар қолдиғини ҳисоблаб чиқаради ва бухгалтерияга кассир ҳисоботи сифатида йиртиб олинган иккинчи варақни (касса дафтаридидаги бир кунлик ёзувлар нусхасини) кириш ва чиқим касса ҳужжатлари билан биргаликда касса дафтарига имзо чектириб топширади.

23. Касса дафтари тўғри юритилишини назорат этиш нобанк кредит ташкилоти раҳбари, бош бухгалтер (агар бухгалтер мавжуд бўлса) зиммасига юкланади.

24. Тўлов қайдномасида ёки чиқим касса ордерида олувчининг имзоси билан тасдиқланмаган ҳолда кассадан берилган пул кассада нақд пуллар қолдиғини ҳисоблашда эътиборга олинмайди. Ушбу сумма камомад ҳисобланади ва кассирдан ундириб олинади. Кассадаги кириш касса ордерлари билан тасдиқланмаган нақд пуллар кассадаги ортиқча пул ҳисобланади ва нобанк кредит ташкилотларининг даромадида киритилади.

IV. КАССАДА ПУЛЛАР ВА БОШҚА ҚИММАТЛИКЛАРНИ САҚЛАШ

25. Ҳар бир нобанк кредит ташкилоти нақд пуллар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ўз кассасига эга бўлиши лозим. Нақд пулларни қабул қилиш, бериш ҳамда вақтинчалик сақлаш, шунингдек бошқа қимматлик-

ларни вақтинчалик сақлаш учун мўлжалланиб, алоҳида ажратилган ҳамда махсус жиҳозланган хона касса деб аталади.

26. Нобанк кредит ташкилотларининг касса хоналари «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари»нинг (1998 йил 18 декабрь, рўйхат рақами 565) 3-иловасига мувофиқ техник жиҳатдан мустаҳкамланиши ва қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализация воситалари билан жиҳозланиши лозим.

Нобанк кредит ташкилотларининг раҳбарлари кассани тегишли равишда жиҳозланиши ва пулларнинг касса хонасида сақланишини, шунингдек, уларни банкдан олиб етказиб беришда ҳамда банкка топширишда пулларни бут сақланишини таъминлашлари шарт. Раҳбарларнинг айби билан пул маблағларини сақлаш ва ташиш вақтида пулларнинг бут сақланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган ҳолларда, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Пул маблағларини сақлаш ва ташиш пайтида уларнинг бут сақланишини таъминлаш юзасидан тавсиялар 2-иловада келтирилган.

27. Барча нақд пуллар нобанк кредит ташкилотларида ёнмайдиган сейфларда сақланади, улар касса иши тугаганидан кейин калит билан қулфланади ва кассирнинг сургучли муҳри билан муҳрланади. Сейф калитлари ва муҳрлар кассирлар (кассир)да сақланади ва уларни шартланган жойларда қолдириш, бегона шахсларга бериш ёки ҳисобда турмаган дубликатларини тайёрлаш тақиқланади. Сейфлар ва металл жавонлар турган хоналарнинг эшигини очиқ қолдириш, шунингдек, ушбу сейфлар ва жавонлар эшигида калитларни қолдириш қатъиян ман этилади.

Калитларнинг ҳисобга олинган дубликатлари кассирлар томонидан сургучланган халталарда нобанк кредит ташкилотларининг раҳбарларида сақланади. Камида ҳар чоракда бир марта уларнинг назорат текшируви ўтказилади. Калит йўқолгани аниқланган ҳолларда нобанк кредит ташкилоти раҳбари ички ишлар органларига бу ҳақда хабар беради ва зудлик билан сейфларнинг қулфини алмаштириш учун чоралар кўради.

Мазкур нобанк кредит ташкилотига тегишли бўлмаган нақд пуллар ва бошқа бойликларни кассада сақлаш тақиқланади.

28. Касса хонасини ва сейфни очишдан олдин кассир қулфлар, эшиклар, дераза панжаралари ва муҳрлар бутлигини кўздан кечириши, қўриқлаш сигнализациясининг соз ҳолатида эканлигини текшириб, бунга ишонч ҳосил қилиши шарт.

Муҳрнинг йўқлиги ёки шикастланганлиги, қулф, эшик ёки панжаралар шикастланганлиги ҳолларида кассир зудлик билан бу ҳақда нобанк кредит ташкилоти раҳбарини хабардор қилиши лозим, раҳбар эса содир бўлган воқеа тўғрисида ички ишлар органларига хабар беради ва ушбу орган ходимлари етиб келгунга қадар кассани қўриқлаш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда нобанк кредит ташкилоти раҳбари, бош бухгалтери (агар бухгалтер мавжуд бўлса) ҳамда кассир ички ишлар органининг рухсатини олганидан сўнг, кассада сақланаётган пул маблағлари ва бошқа қимматликлар мавжудлигини текширади. Ушбу текширув касса операциялари бошлангунга қадар амалга оширилиши лозим. Текширув натижалари тўғрисида 3 нусхада далолатнома тузилади ва у текширувда қатнашган барча шахслар томонидан имзоланади. Далолатноманинг биринчи нусхаси — ички ишлар органларига, иккинчи нусхаси — юқори нобанк кредит ташкилотига (агар у мавжуд бўлса) юборилади, учинчи нусхаси эса нобанк кредит ташкилотининг ўзида қолади.

29. Моддий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, кассир ўзи қабул қилиб олган барча қимматликларнинг бут сақланиши учун ҳамда нобанк кредит ташкилотига ўзининг қасддан қилинган ҳаракатлари, шунингдек, ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараши натижасида етказилган зарар учун тўла моддий жавобгар ҳисобланади.

30. Кассирнинг ишга тайинланганлиги тўғрисида буйруқ чиқарилганидан кейин, нобанк кредит ташкилоти раҳбари

**ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ТАШИШ ПАЙТИДА УЛАРНИНГ БУТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

1. Нобанк кредит ташкilotлари раҳбарларига касса операцияларини юритиш, қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш воситаларига қараш, пул маблағларини қўриқлаш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишга қабул қилишда ёки лавозимларга тайинлашда ёки юқорида кўрсатилган ишларга вақти-вақти билан жалб этишда ушбу шахслар тўғрисида маълумотлар олиш учун ички ишлар органлари ва тиббиёт муассасаларига муурожаат этиш тавсия қилинади. Бунда касса операцияларини юритиш, қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш воситаларига қараш, пул маблағларини қўриқлаш ва ташиш ишларига қуйидаги шахсларни жалб этишга рухсат этилмайди:

қасддан жиноят содир этганлиги учун илгари жиноий жавобгарликка тортилган, судланганлиги белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки суд томонидан белгиланган зарарларнинг қийматини тўлаб бўлмаган шахслар;

сурункали юқумли касаллиги бор шахслар;

жамоат тартибини мунтазам равишда бузиб турувчилар;

спиртли ичимликлар ёки шифокор рухсатисиз гиёҳ-

вандлик воситаларини истеъмол қилувчилар.

2. Нобанк кредит ташкilotлари раҳбари кассирни пул маблағлари ва бойликларни банк муассасаларидан олиб келиш ёки уларга топшириш пайтида зарурат туғилганда ички ишлар органлари томонидан қўриқланишини ҳамда транспорт воситаси билан таъминлаши шарт.

3. Пул маблағларини ташиш вақтида кассир ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга ҳамда транспорт воситаси ҳайдовчисига қуйидагилар тақиқланади:

ҳаракат йўналиши ва етказиб бориладиган пул маблағлари ҳамда қимматликлар суммаси миқдорини ошкор этиш;

транспорт воситасига нобанк кредит ташкilotи раҳбари томонидан пул маблағлари ҳамда бойликларни етказиш учун тайинланмаган шахсларни киритиш;

пиёда, йўловчи ёки жамоат транспортида юриш;

дўконлар, бозорлар ва шу сингари жойларга кириш;

бирон-бир топшириқни бажариш ва ҳар қандай бошқа йўл билан пул ва қимматликларни белгиланган жойга етказишдан чалғиш.

(нобанк кредит ташкilotи)

цехи

да жойлашган

**Мавжуд нақд пулларни мавжудлигини текшириш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

_____-сон 200__ йил «__» _____

Тилхат

Текшириш бошланишидан олдин пул маблағларига доир барча кирим-чиқим ҳужжатлари бухгалтерияга топширилди, менинг жавобгарлигимга келиб тушган барча пул маблағлари кирим қилинди, чиқиб кетганлари эса чиқимга киритилди.

Моддий жавобгар шахс

лавозими

имзоси

исми-шарифи

200__ йил «__» _____даги _____-сонли буйруқ (фармойиш)га асосан 200__ йил «__» _____даги ҳолатидаги пул маблағларининг мавжудлиги текширилди.

Текшириш натижасида қуйидагилар аниқланди:

нақд пуллар _____ сўм _____ тийин

Жами амалда мавжуд бўлган маблағлар _____ сўм _____ тийин

_____ билан

Ҳисоб маълумотига кўра _____ сўм _____ тийин

Текшириш натижалари:

ортиқчалик _____

камомад _____

касса ордерларининг охириги рақамлари:

кирим ордери № _____ чиқим ордери № _____

Комиссия раиси:

лавозими

имзоси

исми-шарифи

Комиссия аъзолари

лавозими

имзоси

исми-шарифи

лавозими

имзоси

исми-шарифи

Далолатномада кўрсатилган пул маблағларини сақлаш менинг зиммамда эканлигини тасдиқлайман.

Далолатноманинг орқа томони.

Ортиқча ёки камомад сабабларини тушунтириш _____

Моддий жавобгар шахс

Нобанк кредит ташкилоти

раҳбарининг қарори _____

(имзо)

20__ йил «__» _____

Далолатнома кассада амалда мавжуд бўлган пул маблағлари (нақд пуллар ва бошқалар)ни текшириш натижаларини акс эттириш учун қўлланилади.

Комиссия кассадаги барча пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликларни тўлиқ қайта санаш йўли билан мавжуд пулларни текширади. Далолатнома икки нусхада тузилади ва рўйхатга олиш комиссияси ҳамда моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси нобанк кредит ташкилоти бухгалтериясига топширилади, иккинчи нусхаси моддий жавобгар шахсда қолади.

Текшириш бошлангунга қадар ҳар бир моддий жавобгар шахсдан ёки пул маблағларининг сақланиши учун жавобгар шахслар гуруҳидан тилхат олинади. Тилхат мазкур шаклнинг сарлавҳа қисмига киритилган.

Моддий жавобгар шахслар алмашганида далолатнома уч нусхада тузилади (бойликларни топширган моддий жавобгар шахсга, бойликларни қабул қилиб олган моддий жавобгар шахсга ва бухгалтерияга бериш учун).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА КЎМИТАСИ, ДАВЛАТ СОЛИҚ КЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ КОНТРАКТЛАР ВА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТДА
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАРНИНГ БОШҚА НАМУНАВИЙ ШАКЛЛАРИНИ
ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
21 ноябрда 1740-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 46-47-сон, 480-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сонли «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-бандига мувофиқ ҳамда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда

электрон савдони ривожлантириш мақсадида қарор қиламиз:

1. Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

*2007 йил 1 декабрдан кучга киради.

Ташқи иқтисодий
алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазири
Э.ФАНИЕВ.
ЭГ-01/10-5248-сон

Давлат божхона
кўмитаси раиси
С.НОСИРОВ.
01-02/6-28-сон

Давлат солиқ
кўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2007-55-сон

Тошкент ш., 2007 йил 5 октябрь.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги,
Давлат божхона кўмитаси, Давлат солиқ кўмитасининг 2007 йил 5 октябрдаги
ЭГ-01/10-5248, 01-02/6-28, 2007-55-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ КОНТРАКТЛАР ВА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
ҲУЖЖАТЛАРНИНГ БОШҚА НАМУНАВИЙ ШАКЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сонли «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-

ги қарорига мувофиқ замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бо-

шқа намунавий шакллари тайёрлаш талабларини белгилайди.

I. ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ КОНТРАКТЛАР ВА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХУЖЖАТЛАРНИНГ БОШҚА НАМУНАВИЙ ШАКЛЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

1. Электрон тижоратда контрактлар томонларнинг контракт шартларини келишиши ва электрон хужжатни электрон тижорат томонлари ўртасида уларни алмашиш (номуайян шахслар доирасига ёзиш ёки жўнатиш) йўли билан шакллантириш орқали расмийлаштирилади.

Электрон хужжатларни шакллантиришда томонларнинг келишуви бўйича умумий қабул қилинган ва норматив ҳуқуқий хужжатларда белгиланган тижорат фаолиятида қўлланиладиган (хат, огоҳлантириш, маълумот, рўйхатли ёзув, оферта, акцепт, шартнома, битим, баённома ва бошқа хужжат турлари), матнли ёки бошқа хужжатли маълумот (ёзув, хабар, файл, сайт, маълумотлар базаси, маълумотлар базасида ёзув) айланиши ва электрон намоишнинг ҳар қандай мумкин бўлган шакллари (форматлар)дан фойдаланилиши мумкин.

Электрон хужжатларни шакллантиришда унинг электрон намоишида фойдаланиладиган шакллар (форматлар) аниқ узатиш ва хужжат олиш, уни қайта ишлаш, хужжатнинг тўлиқлигини ва мақсадини текшириш имконияти, сақлаш ва ахборот тизимида қидириш, шунингдек жўнатувчининг идентификациясини, тузиш ва олиш вақти, намоиш этиш ва хужжатли ахборотни бир хилда тушунишни таъминлаши керак.

2. Электрон тижоратда контрактлар ва электрон тижоратни расмийлаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ электрон хужжатларнинг бошқа намунавий шакллари мазмуни ва шакли бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш ва импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (2006 йил 3 июль, рўйхат рақами 1588) ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

3. Электрон тижоратни амалга оширишда қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий хужжат ёки томонларнинг келишуви хужжатни ўз имзоси билан тасдиқлашни талаб қилса, электрон хужжат агар электрон тижорат томонлари Электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб юритилади) ўрнатиш процедураси бажарганидан сўнг имзоланган деб ҳисобланади.

4. Электрон хужжат электрон тижорат томонлари тарафидан тан олинади, агар:

Электрон хужжатда ЭРИ асиллиги тасдиқланса;

ЭРИ калити сертификати ЭРИ асиллиги тасдиқланган вақтда ёки электрон хужжатни имзолаш вақтида имзолаш вақтини аниқловчи далиллар мавжуд бўлганда;

ЭРИ электрон хужжатда ЭРИ калити сертификатида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади.

5. Қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий хужжат контракт ёки бошқа хужжат қоғозда тақдим этилишини ёки сақлашини талаб қилган ҳолда, ушбу талаб электрон хужжатга нисбатан бажарилган ҳисобланади, агар:

ЭРИ рўйхатдан ўтказиш Маркази томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари бўйича электрон хужжатларда ЭРИ асиллиги тасдиқланган бўлса;

ЭРИ рўйхатдан ўтказиш Маркази томонидан ЭРИ имзоланган қоғозда электрон хужжатлар нусхалари гувоҳлан-тирилган бўлса.

6. ЭРИ хужжатда электрон хужжатнинг бошқа томон ёки учинчи шахслар олдида тўлиқлиги, аниқлиги ва хужжатли ахборотини ўзгармаслигини таъминловчи ҳимоялаш процедуралари билан функционал бирлашиши мумкин.

7. Контрактга қўшимча талаблар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) контракт ва томонларнинг контракт бўйича мажбуриятларини ижро этиш билан боғлиқ бошқа хужжатларни имзолаш усули;

б) томонлар ўртасида контракт бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда электрон хужжатларни алмашиш тартиби;

в) ЭРИдан фойдаланиш ёки хужжатни имзолаган ваколатли шахсни идентификациялаш, шунингдек хужжатнинг аниқлигини текшириш тартиби;

г) электрон хужжатларга ҳавола ва кўрсаткичлар контрактга киритиладиган томонлар белгиланган ахборот тизимида мавжуд ёки Интернет тармоғидаги сайтда, бошқа очик ёки корпоратив тармоқларда белгиланган;

д) томонлар ёзишмалари тартиби ёки контракт бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бошқа хужжатли ахборотни сақлаш;

е) томонларнинг ўз персонал маълумотларига, ёзишмалар ва контракт бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бошқа хужжатли ахборотларга киришини таъминлаш тартиби.

8. Контрактнинг баъзи шартлари томонларнинг келишилган ҳаракати бўйича белгиланган шаклда (форматда)ги томонларнинг бирини ахборот тизимидаги маълумотлар базасига киритиладиган контрактнинг ажралмас қисми сифатида алоҳида электрон хужжат билан расмийлаштирилиши мумкинлиги контрактда назарда тутилиши мумкин.

9. Контрактда томонлар контрактни имзолагандан ва расмийлаштиргандан кейин юридик кучга эга бўлган ва бахслар юзага келганда томонлар унга ҳавола этиши мумкин бўлган нусха сифатида ахборот тизими маълумотлар базасига ёки бошқа ишончли томонга (Интернет тармоғи орқали киришни таъминлаш орқали) сақлаш учун юбориши назарда тутилиши мумкин.

Бунда контракт шартларига қўшимча равишда қуйидагилар киритилиши лозим:

а) томонлардан бирининг сақлаш шартномасини тузиш мажбурияти ва уни тузиш тартиби;

б) сақлаш ва сақлаш учун берилган хужжатга томонларнинг кира олиши шартлари;

в) хужжатнинг жойлашган жойига ҳавола.

II. КОНТРАКТДАГИ ТОМОНЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

10. Ўз номидан муайян шахслар доирасига оферта юбориш ёки оферта таклиф қилишда сотувчилар, етказиб берувчилар, ижро этувчилар ва электрон тижоратнинг бошқа томонлари ўзи ҳақида ахборот тақдим этишга мажбурдирлар.

11. Электрон тижоратда иштирок этувчи томон тўғрисидаги ахборот қуйидаги мажбурий маълумотларни ўз ичига олади:

а) юридик якка тартибдаги ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи ёки хусусий тадбиркорнинг фамилияси, исми ва шарифи;

б) юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг манзили ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида маълумот, солиқ тўловчининг идентификацион рақами, электрон манзили, почта манзили ва телефони ҳамда агар мавжуд бўлса, сайтнинг номи;

в) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолатларда — лицензия мавжудлиги тўғрисида маълумот (лицензияловчи органнинг номи, унинг муддати, лицензия рақами);

г) таклиф қилинадиган ёки буюртма бериладиган маҳсулотлар, ишлар ёки хизматлар рўйхати, уларни тақдим этиш шартлари;

д) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва савдо қоидаларида назарда тутилган ҳолатларда — маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг сертификатланганлиги тўғрисида гувоҳномалар;

е) ҳисоб-китоб тартиби;

ж) банк реквизитлари;

з) электрон тижоратни расмийлаштириш ва амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар;

и) ЭРИ сертификатининг рўйхат рақами, гувоҳнома берган марказнинг реестридаги имзо калити сертификатининг амал қилишининг бошланиш ва тугаш вақти;

й) ушбу очиқ калитли электрон рақамли имзо фойдаланиладиган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;

к) ЭРИ сертификатини берувчи гувоҳнома берган ЭРИни рўйхатдан ўтказиш Марказининг номи ва жойлашган жойи;

л) электрон ҳужжат электрон рақамли имзо билан юридик аҳамиятга эга бўладиган муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар.

12. Сотиб олувчи ёки буюртмачи тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи ёки хусусий тадбиркорнинг фамилияси, исми ва шарифи;

б) юридик шахс ёки хусусий тадбиркорнинг манзили ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида маълумот, солиқ тўловчининг идентификацион рақами, электрон манзили, почта манзили ва телефони ҳамда агар мавжуд бўлса, сайтнинг номи;

в) истеъмолчининг шахсий маълумотлари тўғрисида ахборот;

г) электрон тижоратни амалга оширишда зарур бўлган бошқа маълумотлар;

д) ЭРИ сертификатининг рўйхат рақами, гувоҳнома берган марказнинг реестридаги имзо калити сертификатининг амал қилишининг бошланиш ва тугаш вақти;

е) ушбу очиқ калитли электрон рақамли имзо фойдаланиладиган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;

ж) ЭРИ сертификатини берувчи гувоҳнома берган ЭРИни рўйхатдан ўтказиш Марказининг номи ва жойлашган жойи;

з) электрон ҳужжат электрон рақамли имзо билан юридик аҳамиятга эга бўладиган муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар.

13. Электрон тижоратда истеъмолчининг шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборот, фақат уларсиз сотувчи амалга ошириладиган электрон тижорат бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Истеъмолчининг шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) фамилияси, исми, шарифи;

б) телефон рақами;

в) электрон манзили (e-mail);

г) манзили (етказиб бериш, яшаш);

д) банк ҳисобрақами, банк картаси ёки бошқа тўлов воситаларининг реквизитлари;

е) солиқ тўловчининг идентификацион рақами;

ж) электрон тижорат бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

14. Банкдан ташқари тизимда чакана тўловларни амалга оширишда мазкур Низомнинг 11-бандда кўрсатилган маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотлар талаб қилинади:

а) кўрсатиладиган молиявий хизматлар рўйхати, уларни тақдим этиш шартлари;

б) фойдаланувчиларни рўйхатга олиш тартиби;

в) ҳисоб-китоб тартиби;

г) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тўлов ўтказиладиган ташкилот ва/ёки тўлов тизими аъзоларининг лицензияси мавжудлиги тўғрисида маълумот (лицензия рақами, амал қилиш муддати, лицензияловчи органнинг номи).

15. Электрон тижорат ташкилотчиси тўғрисида ахборот ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатиб ўтилган маълумот-

ларга қўшимча равишда электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларини ўз ичига олиши керак.

16. Ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган, электрон процедураларни таъминлаш бўйича битим томонларига хизмат кўрсатувчи давлат ва бошқа нодавлат муассаса ва ташкилотлари тўғрисидаги ахборот ўз ичига хизматлардан фойдаланиш тартиби ва қоидаларини, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда — лицензия мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни (лицензия рақами, амал қилиш муддати, лицензияловчи органнинг номи) олиши керак.

III. ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ОПЕРАЦИЯЛАР ВА ТАДБИРЛАР

17. Электрон тижорат томонлари агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзгача тартиб белгиланган бўлмаса, ўзаро келишган ҳолда қуйидагиларни белгилайди:

а) ҳар қандай алоқа воситалари орқали электрон ҳужжатларни алмашиш тартибини;

б) контрактни тузиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш тартиби;

в) электрон имзони ўрнатиш усули ва фойдаланиш тартиби;

г) офертани жойлаштириш, жўнатиш ва қабул қилиш тартиби;

д) акцептни жўнатиш ва чақириб олиш тартиби;

е) ахборотнинг аниқлигини текшириш тартиби;

ж) томонларнинг ахборот тизимини таъминлаш дастурларидан фойдаланиш тартиби.

18. Электрон тижоратни расмийлаштириш бўйича томонларнинг электрон процедуралари контрактни тўлалиги ёки унинг алоҳида шартларини, тузишнинг ва электрон тижоратни амалга оширишнинг (ёзишув) алоҳида элементларини келишиш бўйича электрон ҳужжатлар алмашинувини ўз ичига олиши мумкин. Шунингдек, қонунда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ёки томонларнинг келишувига мувофиқ, аниқ турдаги ҳужжатларнинг мазмунини расмийлаштириш бўйича белгиланган талаб ва қоидаларга риоя этилиши лозим.

19. Электрон тижоратда электрон ҳужжатларни (маълумотларни) алмашиш бўйича томонларнинг электрон процедуралари сотувчи томонидан оферта тартибида тақдим этиладиган ва агарда акцепт шакли ва уни юбориш процедуралари белгиланган бўлса, олувчи (буюртмачи) томонидан ҳеч қандай ўзгартириш ва қўшимча шартларсиз қабул қилинадиган контрактни расмийлаштиришни ўз ичига олиши мумкин. Бунда шартнома турлари бўйича фуқаролик қонунчилигининг барча талабларига риоя этилиши лозим.

IV. ТЎЛОВ ТИЗИМИ СУБЪЕКТЛАРИ

20. Электрон битим томонлари электрон тижорат ва тўлов тизими субъектлари ўртасида тузилган келишув белгиланган уларнинг мажбуриятлари доирасида тўлов тизими субъектлари билан ҳисоб-китобни амалга оширишлари мумкин.

21. Тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ва банк операцияларини амалга ошириш ҳамда умумий ташкиллаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка зид келмаслиги лозим.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДА

22. Ушбу Низом Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

**Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги Бош директори
А.АРИПОВ.**

**Марказий банк
Бошқаруви раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**

Тошкент ш., 2007 йил 4 октябрь.

Кўпгина раҳбарлар ходимлари малака оширишидан манфаатдор. Аммо баъзан шундай ҳам бўладики, хизматчисининг таълимига иш берувчи маблағ сарфлайди. Кейин қарабсизки, таълим олиб қайтган ходим орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, ишдан бўшаб кетади. Ана шундай бўлмаслиги, қилинган сарфиёт беҳуда кетмаслиги учун нима қилиш керак, деган савол тугилиши табиий.

ОРТИҚЧА ЧИҚИММИ ЁКИ ЎРИНЛИ САРФИЁТ?

Йўллари кўп

Хозирги иш берувчига ходимлари таълим олиб билимини оширса, юқори натижа бериши мумкинлигини тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Четдан мутахассис қидириш эса тўла муваффақият келтиради деб кафолат бериб бўлмайди. Қолаверса, билимдон, ишига пухта бухгалтерни топиш қийин. Шу сабабли баъзи ташкилотлар ўз ходимларини турли малака ошириш курсларига юбориб, кадр етиштиришни афзал биладилар. Таълим харажатларини компаниялар қисман ёки тўлиқ ўз зиммасига олади. Касб борасида қайта тайёргарлик билан боғлиқ харажатлар ходимни ишга олаётганда меҳнат шартномасида кўрсатиб ўтилади ёки шартномага қўшимча келишувда қайд этиб қўйилади.

Таълим олишнинг йўллари кўп. Бундай тахсил компаниянинг ўзида ўтказилиши ҳам мумкин. Шундай ҳолларда фирма мутахассисларни ёллади ва улар таълим жараёнини ташкил этадилар. Ўқув даври мутаносиб тақсимланади, бинобарин ходим ўқувни асосий фаолияти билан қўшиб олиб боради. Масалан, бухгалтерлар касб бўйича қайта тайёргарлик курсларини бевосита ўз иш жойларида, дам олиш

кунлари ўтказишлари мумкин.

Раҳбарият ходимлар билан маълум соатлик машғулот ўтказиш учун чет ташкилот билан шартнома тузади. Таълим курсига ҳақ тўлаш харажатларини раҳбарият тўлиқ ўз зиммасига олади. Ходимлар билан эса ўқув шартномаси тузилади: унда ходим малака ошириш курсларини тугатганидан кейин таълим олиши учун ҳақ тўлаган ташкилотда камида уч йил ишлаб бериш мажбурияти кўрсатилади.

Бошқа ҳолларда компаниялар ўз ходимларини ихтисослаштирилган таълим марказларига юборадилар.

Мутахассис учун энг яхши йўл унинг таълими билан боғлиқ барча харажатларни компания тўлиқ ўз гарданига олишидир. Лекин ҳаммаша ҳам шундай бўлавермайди. Касб бўйича қайта тайёрлашнинг қиммат курсларидаги ёки ихтисослаштирилган дастурлар бўйича таълимнинг кўпинча 50 фоиз ҳақини тўлайдилар. Бундай таълим харажатлари фақат юқори бўғинга мансуб юқори малакали мутахассислар учунгина 100 фоиз қопланади.


Таълим ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш амалиёти ҳам мавжуд. Бунда таълим дастури тугалланганидан кейин орадан маълум вақт ўтгач, ходимга унинг харажатлари ком-

пенсация қилинади – биргина шarti ходим компанияда ишда қолиши керак.

Хизматчи иккинчи олий мутахассисликни чет элда олишга аҳд қилди, дейлик. У банкда кредит расмийлаштириб, бизнес-мактабга ўқиш учун жўнаб кетади. Компания ўз навбатида ходим ишга қайтиб келганидан кейин унинг сарф қилган маблағлари ўрнини қоплаш мажбуриятини олади. Ходим таълим олиб қайтгач, компанияда бир йил ишлаб берса, кредитнинг 50 фоизи, икки йил ишлаб берса, 100 фоизи тўланади.

Ходимнинг ташаббуси билан ва унинг ўз ҳисобидан малака ошириш йўллари ҳам бор (масалан, илмий даража олиш учун аспирантурага кириш, мамлакатимизнинг ўзидаги ёки чет эллардаги қиммат курсларда тахсил кўриш). Иш берувчи бундай ҳолларда ходимга кредит бериши ёки муайян шартларда унга таълим ҳақини тўлаши мумкин. Малака ошириш дастурини ўтаб қайтганидан кейин мазкур иш берувчида муайян вақт мобайнида ишлаб бериш мажбуриятига оид шартлашув анчагина кенг тарқалган.

Агар иш берувчи ўз фикрида қатъий бўлса ва ходимга қўшимча билим олиш имкониятини бермоқчи бўлса, таълим жараёнини



ташкил этиш масаласини аниқлаб олиши зарур. Йирик компанияларда таълим учун хона ёки жой бериб туриш имконияти бор. Хизматчи қайта тайёргарлик кўриш ва малака ошириш мақсадида танлаган курсида ўқиши учун уни муайян ўқув юртига юборса ҳам бўлади.

Ташкилотлар бу масалада ёрдам олиш учун махсус ўқув марказлари ёки институтларга, малака ошириш курсларига мурожаат этишлари мумкин. Уларда таълимнинг турли дастурлари тавсия этилади.

ДОҒДА ҚОЛМАСЛИК УЧУН

Ходимга касб даражасини ошириш имкониятини бериш хусусида бир тўхтама келгач, иш берувчи таълимга сарфлаётган маблағ беҳуда кетмаслигини ҳам ўйлаб қўйиши керак. Негаки билим ва малакасини оширган, ўқуви бухгалтерни бошқа компания маъқулроқ иш шароитини ваъда қилиб, ўзига оғдириб кетиши ҳеч гап эмас.

Бунга йўл қўймаслик учун олдиндан ҳаракат қилиш лозим. Агар ташкилот ўз ходими малакасини оширишни хоҳласа ёки уни қайта тайёрлаш курсларига юборишни мўлжаллаётган бўлса ва бунда унинг меҳнатидан келгусида бошқа соҳада фойдаланиш нияти бўлса, у билан тегишли шартнома тузишга ҳақлидир. Ўзбекистонда иш берувчи ва унинг қўл остидаги ходимнинг шундай вазиятдаги амалий ҳаракатларини тартибга солиш, афсуски, Меҳнат кодексига кўрсатилмаган.

Аммо Фуқаролик кодексига шартномага доир мажбурий талаблар белгилаб қўйилган. Бундай шартнома энг аввало, ёзма шаклда ва икки нусхада тузилмоғи керак. Бундан ташқари иш берувчининг таълимни таъминлаш ҳамда ходим меҳнат фаолиятини қўшимча равишда олган малакасини мувофиқ давом эттиришни кафолатлаш мажбурияти шартнома предмети бўлиши мумкин, унда таълим муддати ва ишлаб бериш муддати, шунингдек стипендия

12-бетда

Мутахассислар вақтни ва ўз обрўларини қадрлайдилар. Шу сабабли улар ўз ишлари учун фақат юқори даражали, малакали ахборот маҳсулотларини танлайдиларки, улар жуда қисқа муддатларда ҳамда юқори сифат билан энг мураккаб касбий масалаларни ҳам ҳал қилиш имконини беради.

Таҳлил қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг жуда кўп миқдори, энг замонавий ноширлик технологиялари, муаллифларнинг гоятда юқори малакаси ахборотнинг сифатли бўлишини таъминлайди ва энг талабчан фойдаланувчиларнинг талабларига жавоб беради.

**ФОЙДАЛИ!
МАЛАКАЛИ!
ҚУЛАЙ!**

**“Амалий бухгалтерия”,
“Амалий солиқ солиш”**

ЯНГИЛАНУВЧИ ҚўЛЛАНМАЛАРИ



ЭНГ ЯХШИСINI ТАНЛАЙДИГАНЛАР УЧУН

Обуна индекслари:

“Амалий бухгалтерия” – 20028

“Амалий солиқ солиш” – 20027

Қўшимча ахборот олиш учун

нашрийёт телефонлари:

144-89-17, 144-44-29, 132-18-80



Norma Consulting

ОРТИҚЧА ЧИҚИММИ ЁКИ ЎРИНЛИ САРФИЁТ?

11-бетда
миқдори ҳам кўрсатиб ўтилади. Ходим олдида таълим курсини ўташ ва ишга қайтиш мажбурияти қўйилади. Мабодо таълимни ўташга борган ходим курсни тугатганидан кейин шартномадаги ўз мажбуриятини узрли сабабсиз бажармаётган бўлса, у иш берувчининг талабига кўра ўқув даврида олган стипендиясини қайтариб бериши (агар бу нарса шартномада назарда тутилган бўлса) ёки унинг таълими муносабати билан фирма қилган бошқа харажатлар, шу жумладан бевосита ўқув қийматини тўлаши зарур.

Ҳозирги вақтда малака ошириш курсларида таълим олиш серчиқим иш. Раҳбарларга бундай шартномаларни тузишда эътиборли бўлиш тавсия этилади. Негаки, тарафларнинг имзоси билан тасдиқланмаган ҳужжатлар шубҳа уйғотиши мумкин. Айниқса, ходимнинг таълим олиб қайтганидан кейин муайян муддат ишлаб бериши билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги ва бундай мажбурият бажарилмаган тақдирда қўлланилиши жоиз бўлган санкциялар тўғрисидаги бандларга алоҳида эътибор бериш керак.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, ўқув билан боғлиқ шартнома фирма меҳнат шартномаси тузган ходим билангина тузилиши мумкин. Чунки касб таълимига оид битимни меҳнат шартномасига илова сифатида расмийлаштирган маъқул. Малака ошириш курсларини тамомлаганидан кейин ходимнинг меҳнат дафтарчасига

таълим даври ва олган касбига доир ёзув киритилади.

Таълим масаласида ходим билан иш берувчи муносабатларининг бошқача варианты ҳам бўлиши мумкин. Айтайлик, ишга киришда меҳнат шартномаси тузилаётганда тақдим этилаётган ижтимоий йўналишдаги шартлар туркумида келгусида эҳтимоли бўлган ўқиш учун тўланадиган ҳақ миқдори ҳам кўрсатилади.

Агар компания ўз харажатларига жиддий муносабатда бўлса, кўшимча келишув тузиши ва унда бух-

кўшимча шартлар назарда тутилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 73-моддасида айтилишича, меҳнат шартномасини тузиш пайтида ходимларнинг қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси пасайтирилиши мумкин эмас. Бундай ҳуқуқ ва кафолатлар жамоа шартномасида, келишувлар ва локал норматив ҳужжатларда мустақамлаб қўйилади. Малакасини ошириши учун иш берувчи ҳақ тўлаган ходим таълимни ўтаб қайтганидан кейин яна бир йил, уч йил ёки беш йил ишлаб беришга мажбурият тўғрисидаги шарт расман қараганда, ходимнинг аҳолини ёмонлаштирмайди. Шу сабабли бундай шарт меҳнат шартномасининг матнига биратўла киритилиши ёки келгусида кўшимча келишув тарзида қайд эти-

лиши мумкин.

Яна бир нарсага эътибор бериш зарур. Бундай шартномаларни тузилаётганда сиз хизматчингизни таълим олиши учун юбормоқчи бўлаётган ташкилотда ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия бор-йўқлигини албатта текшириб кўринг. Бинобарин, ўқув маркази билан тузилган битимда марказ кўрсатилган хизматларнинг барча турлари аниқ санаб ўтилмасдан,

шунчаки «маслаҳат йўсинидаги хизматлар» деган таъриф ишлатилган бўлса, суд низолари чиқиб қолгудек бўлса, ўқиш юзасидан тузган шартномангиз ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

ХАРАЖАТ ЎЗИНИ ҚОПЛАЙДИ

Баъзан шундай ҳам бўладики, иш берувчи меҳнат шартномасини тузилаётганда ҳамма жиҳатларни тўлиқ инобатга олмай ходимга таълим учун ҳақ тўлайди. Кейин... раҳмат ўрнига ундан ишдан бўшаш тўғрисида ариза олади. Бундай кезларда компания кўрган зарар икки усул билан, яъни ихтиёрий ёки мажбурий тарзда ундирилиши мумкин. Ихтиёрий ундирув деганда ходим таълим харажатларини қоплаб бериш тўғрисида, қарзни узишнинг аниқ муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма мажбурият бериши тушунилади. Мажбурий ундирувда эса иш берувчи ноинсоф ходимдан ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар суммасини ундириши мумкин (Меҳнат кодексининг 207-моддаси). Қолган суммани ундириш учун фирманинг судга мурожаат этишига тўғри келади.

Юристарнинг фикрича, ходимнинг таълими учун иш берувчи қилган харажатларни, агар у меҳнат шартномасида ёки иш берувчи маблағлари ҳисобидан таълим олиш тўғрисидаги битимда келишилган муддат тугамасидан туриб узрли сабабларсиз бўшаб кетаятган тақдирда, тўлаши шарт. Иш берувчи қилган харажатлар, тегишинча таълим тугалланганидан кейин ҳақиқатда ишлаб берилмаган вақтга мутаносиб тарзда ҳисоб-

лаб чиқарилади. Шуниси ҳам борки, иш берувчи ва ходим меҳнат шартномаси ёки таълим тўғрисида битим тузилаётганларида ходимнинг таълим олиши билан боғлиқ харажатларни қоплашнинг бошқача тартибини белгилашга ҳам ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ходим тахсилдан қайтганидан кейин дарҳол ишдан бўшаб кетиши мумкин бўлган «узрли сабаб» деган таъриф замирида нима назарда тутилаётганлиги изоҳланмаганлиги учун ҳам юристар томонидан қилинган ана шу аниқлаштиришга алоҳида эътибор бериш керак. Шу боис иш берувчи шартнома матнининг қайта таълим олиш билан боғлиқ қисмига нимани узрли сабаблар деб ҳисоблаш мумкин эканлиги тўғрисидаги бандни олдиндан кiritмоғи лозим. Масалан, ходимнинг касал ёки ногирон бўлиб қолиши, оиланинг оғир касалликка учраган аъзосини парвариш қилиш зарурияти, ҳарбий хизматчи бўлиш турмуш ўртоғининг бошқа жойга ўтказилганлиги шундай сабаблар сирасига қиради. Шартномада узрли сабаблар хусусида ҳеч нарса дейилмаган бўлса, пировардида иш суд муҳокамасисиз битмайди.

Мабодо ходим малака оширишдан кейин келишилган муддатни ишлаб бермай туриб, узрли сабабларсиз бўшаб кетадиган бўлса, иш берувчи ўз пулларини қайтариб олишининг бошқа йўллари ҳам бордир. Бу масала бўйича суд амалиёти йўқ ҳисоб. Шу сабабли иш берувчининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишнинг саз ва барқарор механизми хусусида ҳозирча гапиришга эрта.



галтер таълим олиб қайтганидан кейин компанияда камида бир йил ишлаши ёки компаниядан кетмоқчи бўлса, ўқиш учун тўланган пулларни тўлиқ қайтариб бериши шарт қилиб қўйилади.

Бироқ ходимнинг унга сарфланган маблағлар юзасидан ишлаб бериши ҳақидаги масалага аниқлик киритиш лозим.

Меҳнат шартномасида аввал-бошданок ёки кейинчалик ўзгартишлар киритиш йўли билан

КЎЛЛАНМАЛАРНИНГ АСОСИЙ АФЗАЛЛИКЛАРИ:

АХБОРОТЛАРНИНГ Фойдаллиги

Кўлланимлар ноёб наشرлар бўлиб, уларда бухгалтер, молия ходими, аудиторнинг ишлаши учун зарур бўлган барча ахборот тўпланган. Бундай кўлланимга эга бўлсангиз, қонун ҳужжатларидати ўзгартишларни кузатишга ҳожат қолмайди — ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тизимга солиш бўйича барча ишни сиз учун наشريёт экспертилари бажарадилар.

Кўлланимлар — «Солиқ ва боғжона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» ҳафтаномалярини чиқараётган «Норма» наشريёти экспорт хизматининг мутахассисларига ҳар кунли бериладиган кўлдан-кўл саволларга жавобдир. Кўлланимлар ҳар кунли бухгалтер дўх келадиган иситилган амалий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилишда ва тўғри қарор қабул қилишда ёрдам беради.


Уларда муайян вазиятда қандай йўл тутиш тўғрисида аниқ-равшан амалий маслаҳатлар мавжуд, шу сабабли улардан ишга янги келган ходим ҳам, тажрибали мутахассис ҳам фойдаллана олади.

МУАЛЛИФЛАРНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАЛИ МАЛАКАСИ

Сиз кўлланимларда келтирилган ахборотларга ишонсангиз бўлади. Материалларнинг муаллифлари — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг етакчи мутахассислари, бухгалтерлар, аудиторлар, маслаҳатчилар ва экспертлардир, улар «Солиқ ва боғжона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталари саҳифаларида доимо катнашиб турадилар. Кўлланимлардаги ахборотлар бухгалтерия хисоби ва солиқ солиш соҳаси мутахассислари томонидан кўп мартаба текширилади.

ҲАР КУНГИ ИШ УЧУН ЭНГ КЎЛАЙ НАШРЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГИ!!!

«Амалий бухгалтерия»
«Амалий солиқ солиш»



ДОЛЗАРБЛИК

Ахборотлар доимо янгилик билан борилади, кўлланимларда эскирган қойдалар мавжуд эмас. Кўлланимлар саҳифаларни ечиб олиш мумкин бўлган механизми папкаларда наشر этилади. Шу сабабли эскирган ахборотга эга бўлган вақтларни янги ахборотлар билан алмаштириш осондир. «Норма» наشريёти обуначиларга янги вақтларни юбориб, кўлланимларни мунтазам равишда янгилаш мажбуриятини олган. Айни шу сабабли ҳам бундай кўлланимдаги ахборотлар ҳар доим ҳам долзарбдир.

Фойдаланишдаги Кўлайлик

Кўлланим шундай наشر этилганки, Сиз ўзингизни қизиқтирувчи ҳар қандай саволга жавобни бир неча сониядаёқ топа оласиз. Кўлланимдаги барча ахборот кўлай равишда таркиблантирилган: наشريёт Сиз учун махсус излаш регистрларини ишлаб чиққан.

НАШРИЁТ
ОРМА
ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ

Кўлланим корхоналарнинг раҳбарлари, корхоналар молиявий ва иқтисодий ҳамактарининг ходимлари, бухгалтерлар, аудиторлар, солиқ маслаҳатчилари, олий ўқув юртлири, коллежаларнинг талабалари ва бошқа манфаатдор шахслар учун муҳкалланган.

Панорама

«Норма маслаҳатчи» 49 (126)-сон

2007 йил 7 декабрь

«Melanj» МЧЖ хизматларини кўрсатади ХОНАЛАРГА САНИТАРИЯ ИШЛОВИ БЕРИШ

- Дезинсекция (сувараклар, чивинлар, кумурсқалар, пашшалар, каналар ва б.ни йўқ қилиш)
- Дератизация (каламуш ва сичқонларни йўқ қилиш)

Бутун Ўзбекистон бўйлаб бир марталик ишлов беришлар ва йиллик хизмат кўрсатишга шартномалар тузамиз

Аъло натижа ва хизматларнинг юқори сифатли бўлишини кафолатлаймиз

Тел.: 262-36-48, 127-63-38

- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Тел./факс: 150-0090, 150-0091 Уяли: 187-9797

Бўлғуси такдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 144-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

INTER-PRESS – 2008

ТЕХНИКА ВОСИТАСИДА ОБУНА

Ноширлар билан ишлаш ва мижозлар билан ҳамкорлик қилишда хизматлар сифатини ошириш мақсадида ёш, сергайрат «INTER-PRESS» ахборот агентлиги (АА) ходимлар креативлиги ва техника соҳасидаги сўнгги ютуқлардан фойдаланишни лозим деб ҳисоблайди. Октябрь ойида компания мижозларнинг маълумотлар базаларига ишлов бериш, шунингдек нашрлар ва корпоратив обуна даврларини танлаш жараёнини анча тезлаштирувчи 1С 7.7 базасидаги дастурий таъминотнинг бошланғич версиясини ишга туширди.

«INTER-PRESS» IT-менежери Дмитрий Андреевнинг сўзларига кўра, IT-тизимларни модернизациялаш масаласи раҳбарият олдида доим кўндаланг туради. Босма маҳсулотлар тарқатиш маҳаллий бозорида новатор компания учун сифатни мунтазам яхшилаш ҳар доим устувор вазифа бўлган.

– Биз шунчаки бозорда муайян етакчиликни сақлаб қолишга, балки жаҳондаги энг яхши обуна компаниялари фаолиятига монанд илгари сафда ишлашга интиламиз, – дейди у. – Бунинг учун эса «INTER-PRESS» раҳбарияти аниқ йўлга қўйилган ва мувозанатлаштирилган, самарали бошқарув тизимини яратиш вазифасини қўйди. Ушбу дастурий таъминотнинг жорий этилиши ҳужжатларни тезкор тўлдириш, мижозлар излаш ва жалб

этиш, ихтисослик, обуна даврлари ва қийматга қараб зарур нашрларни танлаш, шунингдек даврий нашрлар ва амалий соҳа адабиётларининг ўз вақтида етказиб берилиши устидан назоратни таъминлаш имконини беради.

Компаниямиз барпо этилганидан буён очиқ стандартлар йўлини танлаб, очиқ чиқиш кодига эга корпоратив ахборот тизимларини жорий этувчи тизим интегратори сифатида ўзини намён этмоқда деб айта оламиз. Яъни биз мулоқотдан ҳам, ҳамкорлик қилишдан ҳам манфаатдормиз.

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ КОРПОРАТИВ ОБУНА

100011, Ўзбекистон, Тошкент, Навоий кўч., 13
Тел./факс: (998 97) 119 00 00, 144 22 21
Тел.: (998 97) 119 83 83, 155 09 55
E-mail: book@interpress.uz
Http://www.interpress.uz

«Sanar Motors» МЧЖ KIA Motors нинг Ўзбекистондаги расмий дилери

Товар сертификатланган

KIA MOTORS
The Power to Surprise

Автосалон: Тошкент ш., Ҳ.Абдуллаев кўч., 54А, «Буюк Ипак йўли» метро бекати.
Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975. www.kiamotors.com

«ART-FLEX» МЧЖ ҲАММАСИ ОФИС УЧУН

- КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ ҚУРОЛЛАРИ ВА МАКТАБ АНЖОМЛАРИ
 - ТУРЛИ ОФИС ҚОҒОЗЛАРИ, БЛОКНОТЛАР
 - ТЕЗТИККИЧЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА БОШҚ.
 - ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, СОАТЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИ
 - ЭЛЕКТР ҲУЖЛИК ТОВАРЛАРИ ВА БОШҚ.
- Тел.: 144-0493, 144-3792, 267-9753, 68-7597

«GAMILON» МЧЖ таклиф этади

К Анцтоварлар

Манзил: Халқлар дўстлиги шоҳқучаси, 6 А
Тел.: 144-66-81, 144-85-23

Дизайдан тайёр клишегача тайёрлаш бизнинг ишимиз!

- Паст нархлар, юқори сифат!
- Флексограф босма учун полимер қолиплар (босма клише) тайёрлаш
 - Фотопенкаларни чиқариш
 - Дизайн ишлаб чиқиш
 - Флексограф босма учун файлга босмагача ишлов бериш

E-mail: cmyk@arhat-group.com
www.arhat-group.com
Тел./факс: (99871) 144 07 04, 144 84 83, 142 70 50, 142 79 13.

Многофункциональные печатные устройства

SHARP

принтер
сканер
копир

Официальный дистрибьютор - ООО Sharifa-T
Тел.: (99871) 137-6803, 137-6804, 137-6167

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS SOLUTIONS TO SATISFACTION

МДХ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда
30 дан зиёд офис ва 300 агент

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни «эшикдан эшиккача» етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 132-23-31, 132-24-12. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

ISO 9001:2000



10 ХАФТАДА 10та АВТОМОБИЛЬ



УЛАНИНГ!

**АКЦИЯ ШАРТЛАРИ БИЛАН ТАНИШИБ,
ИСТАЛГАН БЕЛГИНИ SMS ОРҚАЛИ
1010 РАҚАМИГА ЖЎНАТИНГ**

ёки

**“COSCOM” АБОНЕНТИ БЎЛСАНГИЗ,
ИСТАЛГАН БЕЛГИНИ SMS ОРҚАЛИ
1010 РАҚАМИГА ЖЎНАТИБ,
5\$, 10\$ ёки 20\$ НОМИНАЛИДАГИ
ТЎЛОВ КАРТАСИ БИЛАН ҲИСОБИНГИЗНИ
ТЎЛДИРИНГ ва ЮТУҚЛИ ЎЙИН
ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНИНГ!**

Тўловингизнинг ҳар 5\$и ютуққа эришиш имкониятингизни янада кўпайтиради.

ШОШИЛИНГ – СОВРИНЛАР СОНИ ЧЕКЛАНГАН!

Ютуқли ўйин “Ёшлар” каналида ҳар сешанба, “COSCOM`dan
Baxtli O'ntalik” дастурида ўтказилади.

Нархлар ҚҚСбилан кўрсатилган.
Тўлов тўлов кундаги ЎзР МБ курси бўйича сўмда амалга оширилади.

Акция 26.11.2007 йилдан бошланган

ЎЗГАРИШЛАР БОШЛАНМОҚДА!
COSCOM

Хизматлар лицензияланган
(ЎзААА берган АА 0001818-сон)

Акция ҳақидаги батафсил маълумотни сотиш жойларида, www.coscom.uz сайтида
ва 8000 телефони орқали (“COSCOM” компанияси абонентлари учун) олиш мумкин

KINEK **МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ** **БИЗНЕС-РЕЖА ВА ТИАларни ИШЛАБ ЧИКИШ** **Аудит** **Тел. 132-00-24, 175-74-62** **E-mail: info@kinek.uz, web: kinek.uz**

Хизматлар лицензияланган

«ELIF HISOB» МЧЖ

БАҲОЛАШ КОМПАНИЯСИ

- БАРЧА ТУРДАГИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ҚАЙТА БАҲОЛАШ
- ТИА ВА БИЗНЕС-РЕЖАЛАР ТУЗИШ
- КРЕДИТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ГАРОВ ТАЪМИНОТИ БИЛАН МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ
- ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ УЧУН БАҲОЛАШ

Жойига чиқиш билан
Хизматлар нархи - ҳаммабоп

444-59-60, 181-06-55, 279-08-04

Хизматлар лицензияланган

МОЛ-МУЛКНИ МУСТАКИЛ БАҲОЛАШ

ReMon - MIR

БАҲОЛАШ КОМПАНИЯСИ

Тел.: (371) 150-42-26, 185-11-36, 188-98-11
reimon-mir@mail.ru www.reimon.uz

Хизматлар лицензияланган

“WIND OF TIME” МЧЖ

баҳолаш компанияси

Жойига чиқиш билан

МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ

Хизматлар қиймати мақбул тарзда

Манзил: Охунбобоев кўч., 34.
Тел.: 132-28-45, 128-35-64

5000 ЭКИХ миқдорида устав фондини шакллантирган ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган

“AUDIT-RUMANS” МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

сертификатланган аудиторларни ишга тақлиф этади.
Яшаш жойи аҳамиятга эга эмас.
CAP сертификати эга аудиторларга имтиёзлар берилади.

Тел. 403-37-59, факс 262-53-41
E-mail: rumans@list.ru

Хизматлар лицензияланган

“HOLIS KONSALT”

консалтинг компанияси

баҳолаш хизматларини тақлиф этади

- *асосий фонларни ҲАР ЙИЛГИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ
- *баҳолаш:
- *кўчмас мулк, бино ва иншоотлар, тугалланмаган қурилмалар
- *машиналар, ускуналар, автотранспорт ва қишлоқ хўжалиги техникасини
- *банкнинг гаров таъминоти
- *бизнесни
- *Устав фондига ҳисса сифатида муайян объектларни бериш ва расмийлаштириш

ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗНИ БАҲОЛАҲ!

Тошкент ш., Носиров кўч., 4-тор кўча, 16 (мўлжал: “Radison Sals” меҳмонхонаси оқсиди)
Тел.: факс 137-46-94, Тел.: 135-52-79, 341-33-10
E-mail: konsalt2004@list.ru, holiskonsalt@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган

Бухгалтерлар ва аудиторларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ўқув-услубий маркази

ЎзР Молия вазирлиги тасдиқлаган дастурлар бўйича курслар

АУДИТОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ - 200 соат.
АУДИТОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ - 60 соат.

Халқаро сертификатлаштириш (CAP) дастури доирасидаги курслар

МОЛИЯ ҲИСОБИ 1 - 100 000 сўм
БОШҚАРУВ ҲИСОБИ 1 - 100 000 сўм
СОЛИКЛАР ВА ҲУҚУҚ - 100 000 сўм
АУДИТ - 100 000 сўм

“БОШЛОВЧИЛАР УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” курслари - 40 соат.
Умуминг барча ўқитувчилари CAP ҳамда ЎзР МВ сертификатлари соҳибидирлар

Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 49,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 10-қавати
132-09-36, 133-86-41

Хизматлар лицензияланган

«KITOV AUDIT»

МЧЖ шаклидаги аудиторлик фирмаси

Барча турдаги аудиторлик хизматларини кўрсатади.

Манзил: 180000, Қашқадарё вил., Китоб тумани, Генерал Жўрабек кўчаси, 2-уй

8(375) 54-27041
Тошкент ш.: 775-45-50, 276-97-01, 100-06-11

Хизматлар лицензияланган ва сўғурталанган

“GLOBAL-AUDIT” АФ

БАРЧА ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

БЕПУЛ МАСЛАХАТЛАР

СОАТ 11.00дан 13.00гача

Манзил: Муқимий кўч., 190,
Телефонлар: 278-56-12, 173-64-39, 188-29-34
E-mail: global-audit@mail.ru
Самарқанддаги филиал тел.: 33-69-66, 31-07-66.

ЎЗР САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ МАРКАЗИЙ АРХИВИ

қуйидаги хизмат турларини тақлиф этади:

- Сақлаш учун корхоналар ҳужжатларини қабул қилиш
- Ҳужжатларга илмий-техник ишлов бериш (йўқ қилиш)
- Бухгалтерия ҳужжатларини муқовалаш

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Бухоро кўч., 6-уй
Тел.: 132-25-40, 133-26-90 arhivtp@rambler.ru

(мўлжал: Амир Темури хибони, шаҳар статбошқарма биноси оқсиди, ЎзР Савдо-саноат палатасининг 2 қаватли биноси, “UNITEL” биноси рўпарасида)

Хизматлар лицензияланган
25.02.2003 й.даги 12/681144365-001-сон сўғурта полиси

«LEKSAN INFO»

АУДИТОРЛИК ФИРМАСИ

- аудиторлик хизматлари
- бухгалтерия ҳисобини тиклаш ва юритиш
- маслаҳатлар
- бизнес-режа тузиш
- Буюртмачи шартларига мослаш

Халқаро сертификатларга эга аудиторлар ҳамкорлик қилишга тақлиф этилади

Тел.: (3712) 167-94-31, 167-94-32, 173-24-50

“ХИМОЯ”

АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ

ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ҲЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ

СУД ҲЎЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

НАТИЖАЛАРГА КўРА ҲАҚ ТўЛанади

Тошкент: (371) 133-11-13, 188-43-13, 175-63-72
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72

«JUS-LEGIS»

АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

қуйидагиларда адвокатлик ёрдамини тақлиф этади:

- мулкчиликнинг барча шаклидаги, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш
- хорижий корхоналар ваколатоналарини аккредитациялаш
- фуқаролик, жиноят ва ҳўжалик ишлари бўйича судларда манфаатларингизни ҳимоя қилиш
- мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш
- шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш
- ҳуқуқий экспертиза, визалаш ва хулосалар бериш

Тел.: 267-96-72, 268-16-85, 267-37-51, 108-48-54, 168-02-16, 108-63-14
Манзил: Тошкент ш., Буюк ипак йўли кўч., 42

РЕСТАРАН

144 02 01
144 02 40

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ

WWW.restoran.uz

РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 9 ноябрдаги 11-0722/10523-сонли ҳал қилув қарорига асосан Паркент туманидаги “Мевазор” ХУСФ ҳамда 11-0722/10524-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Олмазор” ХУСФ банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб Паркент туман ДСИ ходими У.Зиёвиддинов тайинланган. Кредиторларнинг дастлабки йиғилиши 2007 йил 14 декабрь соат 10.00 да Паркент туман ДСИ биноси, 2-қават, 4-хонада ўтказилади. Даъволар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Паркент шаҳри, О.Фарқатий кўчаси, 5-уй.

• РЎЙХАТЛАР

***Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг қарорларига асосан Учтепа туманидаги фаолият кўрсатмаётган тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	ОКРО	ОКОНН	Манзили	Раҳбар исм-шарифи
“ЭНЕСО” КК	14953241	84500	Кичик халқа кўч., 1	Н.Старцев
“АВТО” КК	14977968	14933	Кичик халқа кўч., 3а	Е.Маркелов
“Развитие”	15006600	95300	Чилонзор 31-43-111	И.Нурилин
“УЛУҒБЕК” КК	15230740	17371	А.Икромов туман.	М.Камилов
“А.ХОДЖИ-2” КК	15243091	71500	Турсункулов кўч., 2	Ш.Нишанов
“Хумо-Қуш”	15347620	71280	Фарҳод ярмаркаси	У.Розмахамедов
“LNOF” МСНЖ	15364950	71500	Авлиёта-Нукус кўч., 4-21	В.Макуха
“ЖАМШИД ЖАҲОН ШЕР” ЖК	15391756	71280	Шараф кўч., 3а	К.Джаффаров
“МАҚБУЛ-ТОНГ” МЧЖ	15564866	17371	Чилонзор 11, 16-уй	Л.Маккамов
“АМАФ” ЖК	15673213	71500	А.Икромов туман.	Ж.Воҳобов
“TANGUN-SHV”	15881466	71500	Чилонзор 31-45-123	И.Шегай
“АНЗО МАРКЕТ” МЧЖ	16143859	71500	Чилонзор 13-44-14	З.Скрябина
“К.А.ЗОЙИТ” ХФ	16145611	61110	Замахшарий 2-тор кўч., 6	З.Хасанов
“ОРЗУ-ЛЮКС”	16313592	90310	25-6-40	В.Хокимова
“ОЛИМ ДА МУҲАММАД” ХФ	16456802	71150	Мохорам кўч., 14	А.Ахмедов
“ALBINA-YMM” ХФ	16551206	71280	Бирлик, Кўркам 5-тор кўч., 5	М.Юлдашев
“ДЕЛЬТА ИНВЕСТ” ОАЖ	16556225	96420	квартал 15, 14-4	А.Шакарров
“TANIQLIK”	16932131	14933	квартал 11, 48-66	Н.Ткачев
“MAVZE”				
XIZMATCHISI” МСНЖ	17433602	90110	массив-30, 42	У.Мадаминов

Мазкур корхоналар бўйича даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти, 3-қават, 4-хонада қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2007 йил 26 ноябрдаги ажримларига асосан Чилонзор туманидаги банкрот деб топиш учун иш очилган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
“Krovlya Pro” МЧЖ	10-0711/14859
“Business Fair Trade” МЧЖ	10-0711/14860

Мазкур корхоналар бўйича кредиторларнинг 1-йиғилиши 2007 йил 14 декабрь соат 10.00 да Тошкент ш., Х.Дўстлиги кўчаси, 51а-уйда ўтказилади. Муваққат бошқарувчи этиб Т.Хайрутдинов тайинланган. Корхоналар юзасидан талаб ва тақлифлар Тошкент ш., Х.Дўстлиги кўчаси, 51а-уй манзилига билдирилиши мумкин. Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

Бўлгуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-тақлиф-номаларни «СБХ» тахририятига 144-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

1C®: ПРЕДПРИЯТИЕ

Базавий версиялар
Стандарт ва малака
версиялари
Тармоқ версиялар
SQL учун версиялар

- Корхоналар фаолиятини автоматлаштириш
- 1C фирмаси дастурларини етказиб бериш
- Намунали конфигурацияларни жорий этиш
- Ихтисослаштирилган конфигурацияларни ишлаб чиқиш
- Ўрнатиш, ўқитиш, жойга бориш

- Бухгалтерия
- Иш ҳақи ва кадрлар
- Савдо ва омбор
- Молиявий режалаштириш
- Солиқлар ва ҳисоботлар
- Ишлаб чиқариш ва хизматлар

1C: ФРАНЧАЙЗИНГ «UniSOFT»

Амалий дастурий таъминот бўйича мажмуавий хизмат кўрсатиш
173-95-95, 173-30-18, 186-30-18, 173-97-12, 278-97-41
Манзил: Тошкент ш., Катортал кўч., 60, 705-хона

1C®: ПРЕДПРИЯТИЕ

infotech plus
1C ФИРМАСИНИНГ
РАСМИЙ ДИЛЕРИ

Бюджет ва ҳўжалик ҳисобидаги
корхоналарнинг бухгалтерия,
иш ҳақи ва омбор ҳисобини
тўла автоматлаштириш.

ЎРНАТИШ • КУЗАТИШ • ЎҚИТИШ

Наманган шаҳар, У.Носир кўчаси, 7-уй.
Тел.: (+998 69) 226-15-63, 270-13-13

Бюджет ташкилотларининг бухгалтерия
ҳисобини автоматлаштириш бўйича янги тизим

TS БУХГАЛТЕРИЯ - БЮДЖЕТ

Комплекс бухгалтерия + иш ҳақи
Ҳисобини бюджет ва махсус ҳисобварақлар
бўйича юритиш

285-шакл - айланмалар қайдномаси;
292-шакл - жорий ҳисобварақлар
ва ҳисоб-китоблар дафтари;
294-шакл - касса ва ҳақиқий
ҳаражатлар дафтари;
296-шакл - товар-молдй бойликларнинг
сони ва миқдори ҳисобини юритиш дафтари;
308-шакл - бош журнал дафтари,
шунингдек ОХ-1, ОХ-2, РЖ-2 ҳисоб-китобларни
чоп этишни автоматик тайёрлайди.

Ҳўжалик ҳисобидаги
корхоналарнинг бухгалтерия
ҳисобини автоматлаштириш
бўйича комплекс дастур

TS БУХГАЛТЕРИЯ

Комплекс бухгалтерия + иш ҳақи
Ишлаб чиқариш
Савдо
Хизматлар

Ташкилий техника ва
компьютерларга хизмат
кўрсатиш, картрижларни тўлдириш

Тел./факс (371) 246-91-90

Тел.: 127-29-00, 301-51-64
E-mail: tetrasoft@sarkor.uz

"TETRASOFT" ИИЧФ

BEKAS PLUS.BIZ
PROGRAMMING GROUP

1C®: ФРАНЧАЙЗИНГ
"BEKAS PLUS" МЧЖ

Сиз ҳали ҳам XX асрдасиз?
XXI асрга хуш келибсиз!
Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва бизнес
жараёнларини автоматлаштиришнинг
янги босқичи
1C: ПРЕДПРИЯТИЕ 8.1
(рус ва ўзбек тилларида)
460 000 сўмдан бошлаб
мақбул нархлар

1C: Франчайзинг
"BEKAS PLUS" МЧЖ
Манзил: Фетисов кўч., 1/1
E-mail: bekasplus@mail.ru
Тел.: 291-60-63,
168-58-99

1C: Франчайзинг

TEXNET ИИЧК куйидаги хизматларни таклиф этади:

Куйидагиларни комплекс конфигурациялаш:

- Дастурий маҳсулотларни сотиш
- Етказиб бериш
- Ўрнатиш
- Созлаш
- Жорий этиш
- Ўқитиш
- Бухгалтерия ҳисоби
- Ишлаб чиқариш
- Иш ҳақи ва кадрлар
- Савдо ва омбор
- Солиқларнинг автоматик ҳисоб-китоби
- Ташки ва ички ҳисоботлар

100000, Тошкент ш., Пушкин кўч., 22
132 14 41, 776 86 30, 344 55 90
www.texnet.uz

1C: ПРЕДПРИЯТИЕ 8

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРУВ ВА ҲИСОБ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

1C®
1C: ФРАНЧАЙЗИНГ
www.v8.1c.ru

Диққат! "TELEPORT" МЧЖ компанияси, 1C дастурларини ўрнатишдан ташқари, янги хизматлар тури корхоналар ва ташкилотлар учун компьютер техникаси ва локал тармоқлар паркига **АБОНЕНТ ТЕХНИК ХИЗМАТ КўРСАТИЛИШИНИ** эълон қилади. Бу таклиф ўз мутахассислари бўлмаган ва 1C дастурларини созлаш, ўз компьютерлари ва ташкилий техникасини таъмирлаш ва созлашни шўбхали мутахассисларга ишонмайдиган кичик ва ўрта корхоналарга жуда мос.

Ариза ва саволлар билан куйидаги манзилларга мурожаат қилинг:
телефонлар 137-49-20, 137-49-21, 137-10-91, 137-10-63, 137-11-56 ёки куйидаги манзилдаги офисимизга ташриф буюринг: Пушкин кўч., 59 ("Ҳамид Олимжон" м.б.), "Ранглиметаллойд" биноси, ўнг томондаги лифт, 4-қават, 414-хона ёки
e-mail: teleport@1c.uz; teleport@globalnet.uz. Сайтимиз www.1c.uz

Бозорда 14 йил АМАЛИЙ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ХИЗМАТ КўРСАТИШ

1C: Предприятие дастурлар тизими

Корхоналарни автоматлаштириш

1C® МОС КЕЛАДИ!
Сифат сертификати



- Янги Ҳисобварақлар режаси
- Бухгалтерия ҳисоби
- Омбор ҳисоби
- Иш ҳақи ҳисоб-китоби
- GAAPга созлаш

Халқлар дўстлиги кўч., 42-уй, 206-хона. Тел. 173-24-37, 127-37-79 E-mail: plussoft@uzpak.uz

1C: Франчайзинг "PLUS SOFT"

Куйидагилар учун ўз базасида тайёр намунавий ечимлар билан
жихозланган "1C" фирмасининг лицензияланган дастурий маҳсулотлари

1C: Франчайзи
"Kolizey Konsulting" МЧЖ
Тел.: 150-41-47, 150-41-48
E-mail: info.kolizey@gmail.com

- Улгуржи-чакана савдо компаниялари
- Ишлаб чиқариш корхоналари
- Ресторанлар, барлар ва қаҳвахоналар
- Хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар
- Бюджет ташкилотлари

Шунингдек уларни жорий этиш бўйича хизматларнинг бутун доираси.

БИЗ ЕТКАЗИБ БЕРАДИГАН ДАСТУРИЙ МАХСУЛОТЛАР Куйидагилар бўйича ВАЗИФАЛАРНИНГ ТўЛИК ДОИРАСИНИ ХАЛ ЭТАДИ:

- Бухгалтерия ҳисоби
- Бошқарув ҳисоби
- Солиқ ҳисоби

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги
қонунчилигига мувофиқ

Alfakom
ўқув маркази

МУВАФФАҚИЯТ САРИ ҚАДАМЛАР
ЗАМОНАВИЙ БУХГАЛТЕР
Бухгалтерияга доир билимлар
Компьютерни базавий билиш
Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш

БЕПУЛ!

1C бўйича дарслик ва Ҳар 21-сон БҲМСтга
мувофиқ компьютернинг конфигурация диск

ДАСТУРЛАШ ВА 1C: ПРЕДПРИЯТИЕ 7.7 га
КОНФИГУРАЦИЯЛАШ
1C ни ўз вазифаларингизга ўзингиз созланг!

ДАСТУРЛАШ ВА 1C: ПРЕДПРИЯТИЕ 8.0 га
КОНФИГУРАЦИЯЛАШ
ЯНГИЛИК! 1C нинг янги имкониятларидан фойдаланинг

Интернет глобал тармоғида ишлаш
Интернет бухгалтерга ёрдамга келади

БЕПУЛ! Вuh.uz сайтида
бухгалтерлар учун энг янги ахборот

Манзил: Тошкент ш., Афросиёб кўч., 2. Баракат-марказ, 2-қават
Мўлжал: Космонавтлар м.б., "Марварид" дўкони
Телефонлар: 152-25-75, 152-21-65.

* Фақат "Замонавий бухгалтер" курси тингловчилари учун

• РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2007 йил 26 ноябрдаги ажримларига асосан Яккасарой туманидаги кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами	Юридик манзили
"ASSENT KONSTRUKTION" ХК	10-0718/15108	Ш.Руставели кўч., 22
"NAQOSH BINOKOR QURILISH" МЧЖ	10-0718/15105	Ўрикзор кўч., 1
"GLIS PREVENT" МЧЖ	10-0718/15104	Бобур кўч., 73
"NERO PRESTIJ BUILDING" МЧЖ	10-0718/15106	Аския кўч., 29
"SHOXRUH FAYZ SERVIS" МЧЖ	10-0718/15107	У.Носир кўч., 91

Мазкур корхоналар кредиторларининг йиғилиши 2007 йил 18 январь соат 11.00 да Яккасарой туман ДСИ биносида куйидаги манзил бўйича ўтказилади: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, 3-қават, 309-хона. Тел. 250-70-87.

*Тошкент шаҳар ҳўжалик суди томонидан 2007 йил 28 ноябрда ҳал қилув қарорлари чиққан Учтепа туманидаги фаолият кўрсатмаётган тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами	Манзили
"ISB FINE QUALITY" МЧЖ	10-0701/14127	23-мавзе, 27-47
"NARGIZA MUZAFFAR SAVDO" ХК	10-0701/14122	Фарҳод кўч., 4
"TAXI PLUS" МЧЖ	10-0701/14119	Сегизбоева кўч., 3
"EKS FORDEN" МЧЖ	10-0701/14118	Гулистон кўч., 30-мавзе, 4а-уй

Мазкур корхоналарнинг тўрт бурчак тамғаси ва думалоқ муҳрлари бекор қилинди. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти, 1-қават, 4-хонада қабул қилинади.

Ихтисосий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КҮРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: normapress@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

1 2 3 4 5 7 8

ТАЪСИСЧИ "Norma Namkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.

Тахририят оғоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Norma маслаҳатчи" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди (Тошкент ш., Буюк Турон кўч., 41).
Буюртма Г-1164. Адади 7315. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2007 йил 6 декабрда соат 19.30 да топширилди.